201 — A
Alisher Navoiy nomidagi O'zbekiston MK

VATAN TUYG'USI HAR NARSADAN USTUN

O'ZBEKISTON "MILLIY TIKLANISH" DEMOKRATIK PARTIYASI

MILLIY TIKLANISH

21 (1019) ● 2019 йил 29 май, чоршанба ● Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

ЎзМТДП — www.mt.uz | Таҳририят — www.milliytiklanish.uz | 1995 йил 10 июндан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН ВА ГЕРМАНИЯ — ИШОНЧЛИ, МУҲИМ ВА УЗОҚ МУДДАТЛИ ҲАМКОРЛАР

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Германия Федератив Республикаси Федерал Президенти Франк-Вальтер Штайнмайер 27 май куни расмий ташриф билан мамлакатимизга келди.

Ташрифнинг асосий воқеалари 28 май куни Кўксарой қароргоҳида бўлди.

Расмий кутиб олиш маросимидан сўнг Шавкат Мирзиёев ва Франк-Вальтер Штайнмайер тор доирада ва кенгайтирилган таркибда музокара ўтказди.

Давлатимиз раҳбари Германия Президенти ва халқини тарихий сана — ГФР ташкил топгани ҳамда Бош қомуси қабул қилинганининг 70 йиллиги муносабати билан табриклади.

Германия Федерал Президенти давлатимиз раҳбарига мамлакатимизга таклиф ва кўрсатилаётган самимий меҳмондўстлик учун миннатдорлик билдирди.

Ўзбекистон билан Германия ўртасида изчил сиёсий мулоқот йўлга қўйилган. Франк-Вальтер Штайнмайер ГФР ташқи ишлар вазири сифатида 2006 ва 2016 йилларда ҳам юртимизга келган. Бу галги ташриф дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларини ҳамфикрлик ва тенг ҳуқуқлилик, ўзаро ишонч ва бир-бирининг манфаатларини ҳисобга олиш тамойиллари асосида мустаҳкамлашга хизмат қилиши шубҳасиз.

Сиёсий соҳада мамлакатларимиз БМТ, ЕҲҲТ каби халқаро ташкилотлар доирасида глобал ва минтақавий масалалар бўйича ҳамкорлик қилиб келмоқда. Ўзбекистон Германиянинг БМТ Хавфсизлик Кенгаши доимий аъзолигига интилишини қўллаб-қувватлайди. Бундан ташқари, Европа Иттифоқининг Марказий Осиё бўйича стратегияси доирасидаги фаол алоқалар Ўзбекистон — Германия ҳамкорлигининг муҳим қисмини ташкил этади.

Германия Ўзбекистоннинг минтақада барқарорликни мустаҳкамлаш, Афғонистонда тинчлик ўрнатиш жараёнига кўмаклашиш, Орол инқирози оқибатларини бартараф этишга қаратилган саъй-ҳаракатларини юқори баҳолайди.

Мулоқотда томонлар халқаро ташкилотлар доирасида бир-бирини қўллаб-қувватлашда давом этишини билдирди.

Халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик муаммолар, терроризм ва экстремизмга қарши курашиш, хавфсизлик соҳасида ҳамкорликни мустаҳкамлаш масалалари кўриб чиқилди. Президентлар Афғонистонда ижтимоий-иқтисодий, инвестициявий ва инфратузилмавий лойиҳаларни амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон — Германия маслаҳатлашувлари механизмининг йўлга қўйилишини маъқулладилар.

Мамлакатларимиз ўртасида кўп қиррали ҳамкорликни қўллаб-қувватлаш ва ўзаро тажриба алмашишда парламентлар муҳим ўрин тутаётгани таъкидланди. Бу борада 23 май куни Тошкентда ўтказилган конституцион тизим ва парламентаризм бўйича Ўзбекистон — Германия форуми ҳар жиҳатдан фойдали бўлгани қайд этилди.

Музокараларда сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий, молиявий-техник ва маданий-гуманитар ҳамкорликни янада ривожлантириш, шериклик алоқаларини истиқболли ташаббуслар ва лойиҳалар билан бойитиш, янги кооперация шакллари ва механизмларига ўтиш масалалари батафсил муҳокама қилинди.

Ўзбекистонда Германия компаниялари иштирокидаги инвестиция лойиҳалари алоҳида назоратда экани таъкидланди. Мамлакатимизга инвестиция киритаётган бундай компаниялар учун энг кўп қулайликлар яратишга тайёрлик билдирилди.

2-бет

АСОСИЙ МАҚСАД — МАМЛАКАТИМИЗДА ИНСОН КАПИТАЛИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 28 май куни илм-фан ва олий таълим соҳасини ривожлантириш бўйича белгиланган вазифалар ижросига бағишланган йиғилиш ўтказди.

Унда 24 май куни Ўзбекистон Миллий университетида олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари раҳбарлари, академиклар, олимлар, ёш тадқиқотчилар билан бўлган учрашувда айтилган таклифлар ва долзарб масалалар муҳокама қилинди.

Ўша учрашувда давлатимиз раҳбари илм-фан ва инновацияларни ривожлантиришга доир таклифларни муҳокама қилиш учун махсус майдон яратиш мақсадида Республика фан ва технологиялар кенгашини ташкил этишни таклиф қилган, олимлар буни қўллаб-қувватлаган эди.

Йиғилишда мазкур кенгашнинг асосий вазифалари белгилаб берилди. Жумладан, соҳага оид давлат дастурларини шакллантириш ва марказлашган тартибда молиялаштириш орқали илм-фанни тубдан ривожлантириш, юксак натижадорликка йўналтирилган ихтисосликлар бўйича миллий лабораториялар тизимини яратиш, илмий ишланмаларни тижоратлаштириш, халқаро рейтингларда мамлакатимиз фани нуфузини кўтариш бўйича топшириқлар берилди.

Иқтисодиётда юқори самара берадиган ва ижтимоий масалаларни оқилона ҳал этишга қаратилган йўналишлар белгиланиб, уларни ривожлантиришга масъуллар бириктирилди.

Ўзбекистон Миллий университети ва Тошкент давлат техника университети негизида илмий мактаблар яратиш, нанотехнологиялар, материалшунослик, яримўтказгичлар физикаси, биофизика ва биохимия, биотехнологиялар бўйича олимлар янги авлодини шакллантириш муҳимлиги таъкидланди.

Шунингдек, олимлар билан учрашувда тўртта йўналиш бўйича доимий комиссиялар тузишга келишиб олинган эди. Бу галги йиғилишда мазкур комиссияларнинг вазифалари, комиссия аъзоларининг иш тартиби ва масъулият доираси белгиланди.

Биринчи комиссия илмий-тадқиқот муассасалари фаолиятини доимий таҳлил қилиб, мавжуд муаммоларни бартараф этишга амалий ёрдам кўрсатади.

Иккинчи комиссия олий таълим муассасаларидаги ўқув жараёни ҳамда таълим сифатини таҳлил қилади ва унга баҳо беради.

Учинчи комиссия олий ўқув юртларидаги маънавий-маърифий ишлар, 5 та ташаббуснинг амалга оширилишини таҳлил қилади.

Тўртинчи комиссия олий таълим ва илм-фан соҳасида салмоқли ютуқларга эришган хориждаги ватандошларимизни юртимизда мутахассислиги бўйича фаолиятга жалб қилиш билан шуғулланади.

Бу ишлардан асосий мақсад мамлакатимизда инсон капиталини ривожлантириш. Қуруқ хомашё ва уни қайта ишлаш билан узоққа бориб бўлмайди. Қолаверса, ишлаб чиқаришда қўшимча қиймат олиш учун ҳам инновациялар керак. Шу боис илм-фан тараққиётимизнинг муҳим йўналиши, таянчи бўлади, деди Шавкат Мирзиёев.

Академик олимлар, профессор-ўқитувчиларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, талабаларга замонавий шарт-шароит яратиш, улар орасидан бўлажак илм-фан вакилларини топиб, камолга етказиш зарурлиги таъкидланди.

Мамлакатимизда илм-фанни ривожлантиришнинг устувор йўналишларини аниқ белгилаб, илмий тадқиқотларни молиялаштиришнинг янги тизимини жорий этиш бўйича топшириқлар берилди.

ЎзА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Кейинги йилларда мамлакатимизда коррупцияга қарши курашиш соҳасида муҳим ташкилий-ҳуқуқий ислоҳотлар амалга оширилди. Аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини оширишга, жамиятда коррупцияга муросасиз муносабатни шакллантиришга йўналтирилган тизимли чоралар кўрилди.

Ислоҳотларни амалга ошириш доирасида фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоя қилинишини, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти очиқлигини, жамоат ва парламент назоратини таъминлаш механизмлари такомиллаштирилди, шунингдек, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва суд органлари фаолиятининг ҳуқуқий асослари ислоҳ қилинди.

Шу билан бирга, иқтисодиётни янада ўстириш, халқ фаровонлигини ошириш, мамлакатда инвестиция муҳитини яхшилаш борасидаги стратегик вазифаларни ҳал этиш коррупцияга қарши курашиш соҳасида давлат сиёсатининг самарали амалга оширилишини таъминлаш ҳамда коррупция кўринишларининг сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этиш бўйича янги тизимли чоралар кўрилишини тақозо қилмоқда.

Коррупцияга қарши курашиш тизими самарадорлигини ошириш, энг юқори даражадаги қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш, мамлакатнинг халқаро майдондаги ижобий обрў-эътиборини ошириш мақсадида, шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларга мувофиқ:

1. Қуйидагилар:

2019-2020 йилларда коррупцияга қарши курашиш давлат дастури (кейинги ўринларда — Давлат дастури) 1-иловага мувофиқ;

Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идораларо комиссияси (кейинги ўринларда — Идораларо комиссия)нинг янгиланган **таркиби** 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, жамоат бирлашмалари ва бошқа ташкилотлар икки ой муддатда Давлат дастурининг ҳар бир банди бўйича мақсадларга эришишда **самарадорлик индикаторларини** ишлаб чиқсин ва Идораларо комиссия билан келишиб олсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталарида **коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари бўйича қўмиталар** ташкил этилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Идораларо комиссия икки ой муддатда **коррупцияга қарши курашиш бўйича намунавий тадбирларнинг идоравий дастурини** Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари бўйича қўмиталарига муҳокама қилиш ва келишиш учун киритсин.

2-бет

Фракция фаолияти

ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ХАЛҚ МЕҲНАТИ ҲИСОБИГА ШАКЛЛАНАДИ

шундай экан унинг ҳар бир тийинидан тежаб-тергаб фойдаланиш лозим

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси фракциясининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2018 йилдаги ижроси тўғрисида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2019 йил биринчи чоракдаги ижроси тўғрисидаги Вазирлар Маҳкамаси томонидан тақдим этилган ҳисоботлари кўриб чиқилди ва атрофлича муҳокама қилинди.

Йиғилишда фракция аъзолари Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг ҳисобот давридаги ижросига партиянинг миллий иқтисодиёт ва ижтимоий соҳаларни ривожлантириш борасидаги устувор вазифаларидан келиб чиққан ҳолда эътибор қаратди.

3-бет

Хиёбон

"ТИНИМСИЗ МЕҲНАТ, МАСЪУЛИЯТ ҲИССИ ВА ВИЖДОН АМРИ — ҲАЁТДА БАХТИЁР ЯШАШ ШАРТИ"

Уч минг йиллик тарихга эга бўлган "Авесто"да инсон нима учун яралган, бунинг асл моҳияти нимада, деган савол қўйилган ва унга ўзига хос жавоблар берилган. Булар орасида устувор мавқе илм ва зиёга берилади. Айни мана шу хислат эгаларида эзгу фикр, эзгу сўз ва эзгу амал мужассамлашишига ишонч билдирилади.

Жамиятда соғлом маънавий муҳитни қарор топтириш, ёшларда ғоявий, мафкуравий хуружларга қарши иммунитетни шакллантириш, таълим ва тарбияни ўзида мужассам этган китобхонлик, мутолаа маданиятини юксалтириш юрт тараққиётига хизмат қиладиган муҳим омиллардан. Табиийки, бунда бизга билим билан бирга чин инсонийлик дарсини берувчи зот — устозларнинг сабоғи муҳим аҳамиятга эга.

8-бет

MILLIY TIKLANISH
21 (1019) 2019 йил 29 май, чоршанба

ЎЗБЕКИСТОН ВА ГЕРМАНИЯ — ИШОНЧЛИ, МУҲИМ ВА УЗОҚ МУДДАТЛИ ҲАМКОРЛАР

< **Давоми. Бошланиши 1-бетда.**

Германияда ишлаб чиқарилган юқори сифатли машина ва ускуналар, кимё ва фармацевтика товарларига мамлакатимизда талаб катта. Ўзбекистон Германия бозорига қишлоқ хўжалиги, нефть-кимё маҳсулотлари ва бошқа харидоргир товарлар етказиб беришга тайёр. Мамлакатимизнинг экспортчи компаниялари Германияда ўтказилаётган "Яшил ҳафта", "Озиқ-овқат ва логистика" каби нуфузли кўргазмаларда мунтазам иштирок этиб, ҳамкорлик доирасини кенгайтирмоқда.

Музокараларда бу борадаги янги имкониятлар муҳокама қилинди, ўзаро манфаатли таклифлар кўриб чиқилди.

Бугунги кунда мамлакатимизда Германия сармояси иштирокида фаолият юритаётган корхоналар сони 160 тадан ошди. Шундан 42 та фирма ва компания тўлалигича хориж капитали ҳисобига тузилган. 2018 йилда ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 25 фоиз ўсиб, 770 миллион доллардан зиёдни ташкил этди.

Жорий йил январь ойидаги ташриф чоғида эришилган келишувлар натижасида Германия компанияларининг Ўзбекистон билан инвестициявий ҳамкорликка қизиқиши ортиб бораётгани таъкидланди. Айни пайтда мамлакатимизда дунёга машҳур Германия компаниялари билан ҳамкорликда йирик лойиҳалар амалга оширилмоқда. Жумладан, "MAN" компанияси билан замонавий юк автомобиллари, "Claas" ва "Lemken" компаниялари билан қишлоқ хўжалиги техникаси, "Knauf" билан қурилиш материаллари, "Deutsche Kabel" билан кабель-ўтказгич маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда. Германиялик мутахассислар иштирокида "Қарши — Термиз" темир йўли электрлаштирилмоқда.

Ўзбекистон — Германия ишбилармонлар кенгаши ўзаро товар айирбошлаш ҳажмини ошириш ва тўғридан-тўғри инвестициялар оқимини кўпайтириш бўйича изчил иш олиб бормоқда. Мунтазам равишда молиявий-техникавий ҳамкорлик борасида маслаҳатлашувлар, савдо ва инвестициялар ҳамда қишлоқ хўжалиги бўйича ҳукуматлараро ишчи гуруҳлар мажлислари ўтказилмоқда.

Туризм соҳасида ҳам алоқалар жадал ривожланиб бормоқда. Кейинги йилларда Германиядан юртимизга ташриф буюрган сайёҳлар сони 4 баробар ошиб, 2018 йилда 20 минг кишига етди. Жорий йил 15 январдан Германия фуқаролари учун 30 кунлик визасиз тартиб жорий этилгани немис сайёҳлари сонини янада кўпайтиришга туртки беради.

Германияда соғлиқни сақлаш соҳаси юксак ривожланган. Ушбу соҳадаги ҳамкорлик доирасида Тошкент шаҳрида "Epsilon" компанияси билан биргаликда замонавий онкология клиникаси ва реабилитация маркази, Тошкент вилоятида "Opasca" компанияси ва Мангейм университети клиникаси билан биргаликда онкология клиникасини қуриш каби муҳим лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Шу кунгача Германия билан ҳамкорликда соғлиқни сақлаш соҳасида 32 миллион долларга тенг дастурлар ҳаётга татбиқ этилди, ўзбекистонлик мутахассислар ушбу мамлакат клиникаларида мунтазам малака оширмоқда.

Ўзбекистонда немис миллатига мансуб 8 мингдан зиёд фуқаро яшайди. "Видергебурт" немис маданият маркази, "Ўзбекистон — Германия" дўстлик жамияти немис маданияти ва анъаналарини сақлаш, асраб-авайлаш ва ривожлантиришга ҳисса қўшмоқда. Конрад Аденауэр ва Фридрих Эберт номидаги жамғармалар, Германия академик алмашувлар хизмати (DAAD) ваколатхоналари ва бошқа ташкилотлар халқларимиз ўртасидаги маданий-маърифий алоқаларни ривожлантиришнинг муҳим институтларига айланди.

Маданият ва таълим соҳаларида самарали алмашувлар йўлга қўйилиб, минтақаларо ҳамкорлик доирасида Тошкент ва Берлин, Бухоро ва Бонн ҳамда икки мамлакатнинг бошқа шаҳарлари ўртасида қўшма лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Музокараларда Ўзбекистон ва Германиянинг кенг кўламли ҳамкорликни ривожлантиришга интилиши муштарак экани, барча масалалар бўйича қарашлари ўхшаш ва яқинлиги яна бир бор ўз тасдиғини топди.

Ўзбекистон ва Германия Президентларининг музокаралари якунида икки томонлама ҳужжатларни имзолаш маросими бўлди.

Ахборот алмашиш ва уни ҳимоя қилиш, зарарли газлар чиқарилишини камайтириш ва иқлим ўзгаришларига мослашиш, "Volkswagen" компанияси билан ҳамкорликда тижорат автомобиллари ишлаб чиқариш тўғрисида ва бошқа ҳужжатлар имзоланди.

Ушбу келишувлар, айниқса, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси билан Германиянинг "Integra GmbH" ва "Vamed Engineering GmbH" компаниялари ўртасида Тошкент шаҳрида Ядровий тиббиёт ва нурли терапия марказини ташкил этиш бўйича тузилган битим халқимиз учун катта аҳамиятга эга экани таъкидланди.

Оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда Президентлар музокаралар анъанавий дўстлик, очиқлик ва ўзаро англашув руҳида ўтганини қайд этди.

Давлатимиз раҳбари мамлакатларимиз халқаро майдонда ишончли, муҳим ва узоқ муддатли ҳамкорлар саналишини, кўп қиррали Ўзбекистон — Германия муносабатларини янада жадаллаштиришдан томонлар бирдек манфаатдор эканини алоҳида таъкидлади.

— Ўзбекистон томони жорий йил январь ойида Берлинда ўтган учрашувнинг мантиқий давоми бўлган бугунги музокаралар натижаларидан тўла мамнуният изҳор этади, — деди Шавкат Мирзиёев. — Икки томонлама ҳамкорликнинг деярли барча йўналишлари — сиёсий мулоқот, парламентлараро алоқалар, савдо-иқтисодий, инвестициявий, маданий-гуманитар ва бошқа кўплаб соҳаларга доир масалалар атрофлича кўриб чиқилди. Ўзбекистон ва Германия ҳамкорлигининг бугунги ҳолати ҳар томонлама таҳлил қилиниб, устувор йўналишлар ва келгусидаги вазифалар белгилаб олинди.

Федерал Президент учрашувда Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида бошланган ислоҳотларнинг истиқболлари ҳамда ушбу янгиланишлар Ўзбекистон — Германия муносабатларига бағишлаган юқори суръат батафсил муҳокама қилинганини таъкидлади.

— Ўзбекистонда сиёсий, иқтисодий, ижтимоий соҳаларда ўсиш рўй бераётганига гувоҳ бўлиб турибмиз ва бу бизни қувонтиради. Германиядан нуфузли делегация жавоб ташрифи билан келгани, музокаралар самарали ўтиб, муҳим келишувларга эришилгани, муҳокама этилган барча масалалар юзасидан Ўзбекистон раҳбари билан фикримиз бир жойдан чиққани ҳамкорликни кенгайтиришга икки томонда ҳам интилиш кучли эканидан далолат беради. Биз фақат мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар эмас, балки Европа Иттифоқи доирасидаги шериклик масалаларини ҳам атрофлича муҳокама қилиш имконига эга бўлдик. Бугунги ташриф Ўзбекистондаги янги сиёсатни тўлиқ қўллаб-қувватлашимизнинг ифодасидир. Биз мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларда янги, истиқболи порлоқ босқичнинг остонасида турибмиз, — деди Франк-Вальтер Штайнмайер.

Куннинг иккинчи ярмида ГФР Президенти Франк-Вальтер Штайнмайер Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Абдулла Арипов ҳамроҳлигида Мустақиллик майдонига ташриф буюриб, Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гул қўйди.

ГФР Президенти Ўзбекистон ва Германия ишбилармон доиралари вакиллари йиғилишида иштирок этди.

Германия саноат ва технологиялар ривожи бўйича жаҳонда илғор давлатлардан бири саналади. Бугунги кунда автомобилсозлик, кимё, электротехника, авиакосмик соҳа, қурилиш ва озиқ-овқат саноати Германия иқтисодиёти барқарор ўсишини таъминловчи асосий тармоқлар бўлиб келмоқда.

Йиғилишда Ўзбекистонда германиялик инвесторлар иштирокида тузилган корхоналар, ушбу мамлакат фирма ва компаниялари ваколатхоналари муваффақият билан фаолият кўрсатаётгани таъкидланди. Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки Германиянинг қатор банклари билан алоқа ўрнатган, Тошкентда "Дойче-банк" бўлими ташкил этилган.

— Ўзбекистонда амалга оширилаётган жадал ислоҳотларни диққат билан кузатиб бораяпмиз. Мамлакатингиздаги инвестициявий лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш, илғор тажриба ва инновациялар билан ўртоқлашишга доимо тайёрмиз, — деди Франк-Вальтер Штайнмайер.

Йиғилишда Ўзбекистон ва Германия тадбиркорларининг турли соҳаларда қўшма лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш имкониятлари, ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг янги йўналишларини очиш масалалари муҳокама қилинди. Энергетика, нефть-газ кимёси, ахборот технологиялари, банк-молия, транспорт, атом энергетикаси каби соҳаларда шериклик алоқаларига оид қатор ҳужжатлар имзоланди.

Франк-Вальтер Штайнмайер пойтахтимизнинг Яшнобод туманидаги "Bakan Tex" масъулияти чекланган жамиятига ташриф буюрди.

Германиянинг "Тручлер", "Зенцер", "Саурер" каби етакчи компаниялари технологиялари билан жиҳозланган корхонада пахтадан юқори сифатли ип-калава ишлаб чиқарилади. Лойиҳа қиймати 52 миллион доллар бўлган корхонада 500 дан зиёд ишчи меҳнат қилади. Бу ерда мамлакатимизда ягона автоматик қадоқлаш, тозалаш, чиқиндиларни пресслаш тизимлари ўрнатилган. Бу экологик тоза ва сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш имконини беради.

ISO-9001 сифат менежментига эга корхона маҳсулотлари дунё бозорида жуда харидоргир. Айни пайтда маҳсулотлар МДҲ мамлакатлари, Хитой ва Туркияга экспорт қилинмоқда. 2018 йил якунига кўра, 9,5 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилинган. Жорий йилнинг ўтган даврида 5 минг 770 тонна пахта толасидан 4 минг 800 тонна ип-калава ишлаб чиқарилган, 13 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилинди.

Олий мартабали меҳмон пахта толасидан ип-калава ишлаб чиқариш, қадоқлаш ва экспортга йўналтиришгача бўлган жараён ҳақидаги видеоролик билан танишди, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти талабалари билан суҳбатлашди.

Германия Президенти Тошкентдаги Гёте институтида бўлиб, Йоҳанн Вольфганг Гёте ҳайкалининг очилиш маросимида қатнашди.

Франк-Вальтер Штайнмайер Ўзбекистонда Гёте сиймосига эҳтиром мамлакатларимиз ўртасидаги дўстона муносабатларни янги руҳда давом эттиришга, маданий-маърифий алоқаларнинг янада мустаҳкамланишига хизмат қилишини таъкидлади.

Олий мартабали меҳмон Тошкентдаги Гёте институти фаолияти билан танишди.

Бугун Ўзбекистонда Германия академик алмашувлар хизмати, Конрад Адэнауэр ва Фридрих Эберт номидаги жамғармалар ваколатхоналари, Немис халқ университетлари ассоциациясининг Халқаро ҳамкорлик бўйича институти каби ГФР-нинг кўплаб илмий-маърифий ташкилотлари муваффақиятли фаолият юритиб келмоқда.

Мамлакатимиздаги 1 минг 842 мактабда 377 мингдан зиёд ўқувчи немис тилини ўрганмоқда. Айни пайтда ўзбекистонлик 700 дан ортиқ талаба, илмий тадқиқотчи Германия олий таълим муассасаларида таълим олаяпти.

Тошкентдаги Гёте институтининг асосий мақсади немис тилини ўргатиш, халқаро маданий ҳамкорликни ривожлантиришдан иборат. Ҳозирги кунда институтнинг тил ўқитиш марказларида 4 мингдан зиёд юртдошларимиз немис тилини ўрганмоқда.

Франк-Вальтер Штайнмайер институтда тил ўрганаётган ёшлар, маданият ва санъат намояндалари, илмий доиралар ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари билан суҳбатлашди.

Федерал Президент икки ҳамюртимиз — Германиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси таржимони Мукаррам Каримова ва Марғилон шаҳридан немис тили ўқитувчиси Лидия Осинани "Bundesverdienstkreuz" ("Германия Федератив Республикасига кўрсатган хизматлари учун") ордени билан мукофотлади.

Ҳамюртларимизнинг бундай юксак мукофот билан тақдирланиши нафақат уларнинг икки томонлама маданий-гуманитар ҳамкорлик ривожига қўшган ҳиссаси, балки давлатлараро муносабатларни мустаҳкамлаш йўлидаги хизматларининг ҳам эътирофидир. Тақдирлаш маросими Германияда Ўзбекистон билан алоқаларга алоҳида эътибор билан қаралиши, ҳамкорликни равнақ топтириш мақсадида фаолият кўрсатаётган вакилларимиз юксак қадрланишидан яна бир далолат бўлди.

ГФР Федерал Президенти Франк-Вальтер Штайнмайернинг мамлакатимизга расмий ташрифи давом этмоқда.

ЎзА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ф а р м о н и

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

< **Давоми. Бошланиши 1-бетда.**

3. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ депутатлари Кенгашлари, туман ва шаҳар халқ депутатлари Кенгашларининг таркибида **коррупцияга қарши курашиш комиссияларини** ташкил этиш тавсия қилинсин, уларнинг зиммасига:

жойларда коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги **ишларнинг ҳолатини комплекс ўрганиш;**

жойларда коррупция кўринишлари намоён бўлишига олиб келадиган **тизимли муаммолар ва коррупциянинг ҳолати** тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари бўйича қўмиталарига ушбу соҳадаги фаолиятни такомиллаштириш юзасидан таклифлар киритган ҳолда мунтазам равишда ахборот бериб бориш функциялари юклансин.

4. Белгилаб қўйилсинки:

а) **коррупцияга қарши курашиш соҳасида давлат сиёсатининг устувор йўналишлари** ўрта муддатли истиқболда қуйидагилардан иборат:

суд ҳокимиятининг мустақиллигини янада мустаҳкамлаш, судьяларга ҳар қандай тарзда қонунга хилоф равишда таъсир ўтказиш шарт-шароитларини истисно этиш;

давлат хизматчиларини танлов асосида саралаб олиш, лавозимга тайинлаш ва юқори лавозимларга кўтаришнинг шаффоф тартибига асосланган давлат хизмати тизимини шакллантириш, улар учун чекловлар, тақиқлашлар, рағбатлантириш чоралари ҳамда коррупциянинг олдини олиш бошқа механизмларининг аниқ рўйхатини белгилаш;

давлат хизматчилари **даромадларини декларация қилиш тизимини босқичма-босқич жорий этиш** ва уларнинг иш ҳақи етарли даражада бўлишини таъминлаш, шунингдек, давлат хизматини ўташда манфаатлар тўқнашувини ҳал этишнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш;

коррупция билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар тўғрисида хабар берган шахсларни ҳимоя қилишнинг самарали ташкилий-ҳуқуқий механизмларини жорий этиш;

аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини янада ошириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни кучайтириш;

давлат органлари ва ташкилотларининг ҳисобдорлиги ва фаолиятининг шаффофлигини ошириш;

фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари фаолиятининг чинакам эркинлигини таъминлаш ва уларни коррупцияга қарши чораларни тайёрлаш, ўтказишда ва ижросини мониторинг қилишда иштирок этишга жалб қилиш;

б) идоравий коррупцияга қарши курашишнинг самарали дастурларини амалга ошириш, уларнинг ҳисобдорлиги ва фаолиятининг очиқлиги механизмларини жорий этиш, одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилиши ва манфаатлар тўқнашувининг олди олинишини таъминлаш бўйича амалий чора-тадбирларни бажариш орқали **тегишли соҳада коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларга имкон яратаётган сабаблар ва шарт-шароитларни таг-томири билан йўқотиш** давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарларининг биринчи даражадаги муҳим вазифаси ҳисобланади.

5. Белгилансинки:

а) 2019 йил 1 июлдан бошлаб давлат органлари **зиммага юкланган вазифа ва функцияларни амалга оширишда юзага келадиган коррупция хавф-хатарларини** вақти-вақти билан **мажбурий баҳолаб боради,** унинг якунлари бўйича:

коррупция хавф-хатарига энг кўп дуч келадиган давлат хизматчиларининг **фаолият соҳалари ва лавозимлари,** шунингдек, уларнинг функциялари (ваколатлари)нинг рўйхатини шакллантиради;

идоравий коррупцияга қарши курашиш дастурлари **ижросининг ҳар чораклик мониторингини** амалга оширади ва **коррупциявий хавф-хатарларни минимум даражага тушириш** чораларини кўради;

Идоралараро комиссия билан келишган ҳолда ҳар йилги **идоравий коррупцияга қарши курашиш дастурларини** тасдиқлайди;

ҳар йили Идорaлараро комиссияга тегишли органлар ва ташкилотлар фаолиятида, шу жумладан, қонунчиликни ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш орқали коррупция хавф-хатарларига барҳам бериш бўйича таклифларни киритади;

б) давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарлари коррупция хавф-хатарларини ўз вақтида аниқламаганликлари ва тегишли баҳо бермаганликлари, шунингдек, **коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни такроран содир этиш ҳолатларига йўл қўйганликлари** юзасидан **шахсан жавобгар бўлади.**

6. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Адлия вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги Бош прокуратура билан биргаликда:

ёшларга коррупцияга қарши курашиш соҳасида ҳуқуқий таълим бериш бўйича комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқсин ва 2019 йил 1 сентябрдан бошлаб татбиқ этсин;

умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ва олий таълим муассасаларининг **ўқув дастурларида коррупцияга қарши мавзулар** янада кучайтирилишини таъминласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Бош прокуратура, Адлия вазирлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги билан биргаликда уч ой муддатда, шу жумладан, техник инфратузилмани ва зарур дастурий таъминотни яратишга оид зарурий чора-тадбирларни амалга оширишни назарда тутган ҳолда **муайян тоифадаги давлат хизматчиларининг мулки ва даромадларини декларация қилиш тизимини босқичма-босқич жорий этиш** бўйича таклифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

8. Идорaлараро комиссия (Н.Т.Йўлдошев):

2019 йил 1 августдан бошлаб эксперимент тариқасида, жамоатчилик ва етакчи экспертларни, шу жумладан, хорижий экспертларни жалб этган ҳолда дастлабки босқичда капитал қурилиш ва олий таълим соҳаларида "Коррупциясиз соҳа" лойиҳасини амалга оширишни ташкил этсин, 2020 йил 1 апреллдан бошлаб лойиҳани бошқа соҳаларга ҳам босқичма-босқич жорий этсин;

ҳар йили 1 апрелга қадар тегишли соҳаларда **"Коррупциясиз соҳа" лойиҳасини** амалга ошириш якунлари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ахборот киритсин.

9. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, жамоат бирлашмалари ва бошқа ташкилотлар Давлат дастурининг ижро этилиши ҳолати тўғрисида ҳар чоракда Идорaлараро комиссияга ахборот киритилишини таъминласин.

10. Коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги фаолият самарадорлигини оширишга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш бўйича **махсус комиссия** (кейинги ўринларда — Махсус комиссия) 3-иловага мувофиқ таркибда тузилсин.

11. Қуйидагилар махсус комиссиянинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

коррупцияга қарши курашишга йўналтирилган жамоатчилик назоратининг амалий чораларини ва қўлланилаётган ҳуқуқий механизмларнинг жорий ҳолатини таҳлил қилиш;

коррупцияга ва бошқа жиноятларга қарши тизимли курашиш соҳасида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари, шу жумладан, ички идоравий назоратни амалга оширадиган бўлинмалар фаолиятини танқидий ўрганиш;

коррупцияга қарши курашиш ва мазкур соҳада идорaлараро ҳамкорлик қилиш, шунингдек, коррупция кўринишларини содир этиш сабаб ва шароитларини аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш юзасидан комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқишда фойдаланилаётган механизмларни тубдан қайта кўриб чиқиш;

коррупцияга қарши курашиш ва жамоат назорати соҳасида умум эътироф этилган халқаро стандартлар ва чет эл ижобий тажрибасини ўрганиш.

12. Махсус комиссия (З.Ш.Низомиддинов):

а) **бир ҳафта муддатда** ўрганишнинг тегишли йўналишлари бўйича ишчи гуруҳларнинг таркибларини ҳамда уларнинг иш режаларини тасдиқласин, шунингдек, ишчи гуруҳларнинг самарали фаолиятини ташкил этсин;

б) **2019 йил 1 сентябрга қадар:**

ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини, шу жумладан, умумэътироф этилган халқаро стандартлар ва чет эл ижобий тажрибасини инобатга олган ҳолда ушбу фаолиятни ташкил этиш ва мазкур йўналишдаги функцияларини оптималлаштиришда ягона ёндашувларни жорий этиш орқали тубдан такомиллаштириш бўйича таклифларни;

коррупцияга қарши курашиш соҳасида жамоатчилик назорати механизмларини самарали қўллашга йўналтирилган, шу жумладан, қуйидагиларни назарда тутувчи комплекс чора-тадбирлар бўйича "Йўл харитаси" лойиҳасини ишлаб чиқсин ва киритсин:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари ва сиёсий партияларнинг ролини янада кучайтириш;

ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари олдидаги ҳисобдорлиги тартибини такомиллаштириш;

қарорлар қабул қилиш жараёнида фуқаролар иштирокининг шаффоф ва самарали усулларини жорий этиш.

13. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги:

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда давлат органлари, шу жумладан, маҳаллий органлар томонидан расмий веб-сайтлар ва "ишонч телефонлари"дан улар фаолиятининг очиқлигини ва ахборот олиш имкониятини таъминлаш воситаси сифатида фойдаланишлари устидан доимий мониторингни амалга оширсин;

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, ушбу Фармоннинг амалга оширилиши учун масъул бўлган давлат органлари ва ташкилотлари билан биргаликда оммавий ахборот воситалари ва интернет-ресурсларда, шу жумладан, чет эл оммавий ахборот воситаларида кенг кўламдаги ахборот-тарғибот ишларини ташкил этиш чора-тадбирларини доимий асосда амалга ошириб, уларда таниқли олимлар, давлат органлари раҳбарлари ҳамда жамоатчилик вакилларининг чиқишларини назарда тутсин ҳамда коррупцияга қарши курашиш масалалари бўйича брифинглар, интернет-конференциялар, телевизион кўрсатувларда уларнинг иштирок этишларини таъминласин;

мазкур йўналишда амалга оширилган ишлар тўғрисида ҳар чоракда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ҳисобот бериб борсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Адлия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклифлар киритсин.

15. Вазирлик ва идоралар ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни иккі ой муддатда ушбу Фармонга мувофиқлаштирсин.

16. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш.Низомиддинов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **Ш.МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри, 2019 йил 27 май

Пленум

ЎзМТДП МАРКАЗИЙ КЕНГАШИГА РАИС САЙЛАНДИ

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий кенгашининг навбатдан ташқари XV Пленуми бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий кенгаши ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси аъзолари, ҳудудий партия ташкилотлари раҳбарлари ва вакиллари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлар депутатлари ҳамда партия фаоллари иштирок этди.

Пленумда ташкилий масала кўриб чиқилди, яъни бугунги кунгача Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий кенгаши раиси лавозимида ишлаб келаётган Сарвар Саъдуллаевич Отамуратов "Ўзагросуғурта" акционерлик жамияти раҳбари этиб тайинланганлиги муносабати билан, ўз хоҳишига мувофиқ партия етакчилигидан озод этилди. Партия Марказий кенгаши ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзоси, Республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбари Алишер Келдиевич Қодиров Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий кенгаши раиси этиб сайланди.

Шунингдек, Пленумда Президент Шавкат Мирзиёев раислигида шу йилнинг 19 март куни ёшларга эътиборни кучайтириш, ёш авлодни маданият, санъат, жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, уларда ахборот технологияларидан тўғри фойдаланиш кўникмасини шакллантириш, ёшлар ўртасида китобхонликни тарғиб қилиш, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилишида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашга қаратилган Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг чора-тадбирлар дастури лойиҳаси муҳокама қилинди.

Ушбу чора-тадбирлар дастури лойиҳаси ҳудудий партия ташкилотларида партия фаоллари ва аъзолари иштирокида атрофлича муҳокама этилиб, тақдим этилган таклифлар асосида қабул қилинишига келишиб олинди.

Пленумда таъкидланганидек, Президентимиз томонидан илгари сурилган беш муҳим ташаббуснинг барчаси Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг сайловолди Платформасида белгиланган вазифаларга уйғун ва ҳамоҳанг.

Пленумда муҳокама этилган масалалар юзасидан Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий кенгашининг қарорлари қабул қилинди.

Р. МАҲМУДОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

Фракция фаолияти

ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ХАЛҚ МЕҲНАТИ ҲИСОБИГА ШАКЛЛАНАДИ

шундай экан унинг ҳар бир тийинидан тежаб-тергаб фойдаланиш лозим

< Давоми. Бошланиши 1-бетда.

— Мамлакатимизда иқтисодиёт тармоқларини ислоҳ қилиш доирасида иқтисодий ва молиявий статистикадан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш, бюджет маълумотлари очиқлиги ва шаффофлигини янада ошириш, бюджет маблағлари шаклланиши ва сарфланиши устидан парламент ва жамоатчилик назоратини кучайтириш, янги механизмларни жорий этиш бўйича изчил ишлар олиб борилмоқда, — деди фракция аъзоси Азамат Пардаев. — 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларга мувофиқ амалга оширилаётган бундай ислоҳотлар парламент вакиллари ва фуқаролик жамиятининг давлат бюджетини шакллантириш ва ижро этиш жараёнидаги иштирокини таъминлашга хизмат қилмоқда. Жумладан, 2019 йилдан бошлаб бюджет маблағларини тақсимлашда туман (шаҳар)лар бюджетлари қўшимча манбаларининг камида 10 фоизини жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларга йўналтириш механизми жорий этилди.

Фракция аъзолари 2018 йилда иқтисодиётни янги асосда ташкил этиш ва эркинлаштириш, диверсификация қилиш, таркибий ўзгартириш, ишлаб чиқаришга энг замонавий технологияларни жорий этиш орқали уни модернизациялаш миллий иқтисодиётнинг экспорт салоҳияти ҳамда рақобатбардошлигини оширишга хизмат қилаётганини алоҳида таъкидладилар. Бу, ўз навбатида, иқтисодиётнинг юқори суратда ўсиши ва макроиқтисодий барқарорликни таъминлаётгани қайд этилди.

Йиғилишда таъкидланганидек, давлат бюджетининг 2018 йилдаги даромадлари тушуми 126,6 фоизга бажарилиб, унинг ялпи ички маҳсулотдаги (ЯИМ) улуши 19,4 фоизни ташкил этди. Аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯИМ 12 миллион 365 минг сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 3,3 фоизга ўсди. Хорижий инвестицияларни жалб қилишга қаратилган ислоҳотлар натижасида 2018 йилда 107,3 триллион сўм асосий капиталга инвестициялар ўзлаштирилишига эришилган бўлса, 2019 йил биринчи чорагида бу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 56,3 фоизга ошди.

Муҳокамалар чоғида фракция аъзолари ҳукумат томонидан тақдим этилган ҳисоботга партиянинг дастурий мақсадларида белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда эътибор қаратди. Жумладан, 2018 йилда республика бюджети маблағлари ҳисобидан 73 маданий мерос объектини таъмирлаш ва тиклаш ишларини амалга ошириш учун Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, улардан фойдаланиш илмий ишлаб чиқариш бош бошқармасига 47,6 миллиард сўм маблағ ажратилган. Бу 2017 йилга нисбатан 1,6 баробарга ошган. 2019 йилда эса бу мақсадлар учун 68 миллиард сўм маблағ ажратиш режалаштирилган, лекин ҳисобот даврида атиги 6,4 миллиард сўм маблағ берилган. Фракция аъзолари бундай ҳолатни танқидий баҳолади.

Фракция аъзолари 2018 йил мобайнида давлат бюджети харажатларининг асосий қисми (53,8 фоизи) ижтимоий харажатларни молиялаштиришга сарфлангани аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга бўлган эътиборнинг ошганидан далолат эканини таъкидлашди. Маданият ва спорт соҳасининг 2018 йил харажатлари белгиланган режага нисбатан 105,8 фоизга ижро этилиб, 1 триллион 345,5 миллиард сўмни ташкил этди ва бу кўрсаткич 2017 йилга нисбатан 79,3 фоизга ўсган.

Фракция аъзолари мамлакатимизда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш, хусусан, туризм тармоғи салоҳиятидан кенг фойдаланишни жадаллаштиришга йўналтирилган маблағларни кўзда тутувчи параметрлар келтирилмаганлигини инобатга олиб, кейинги тақдим этиладиган ҳисоботларда уни акс эттириш лозимлигини таъкидлади. Шунингдек, фракция аъзолари жойлардаги ўрганишлар натижаларига асосланган ҳолда ҳудудларнинг ресурс салоҳиятини тўлиқ амалга ошириш, бюджет маблағларидан янада самарали фойдаланишни таъминлаш, маҳаллий бюджетлар даромадини ошириш борасида жойларда мавжуд имконият ва резервларни тўла ишлатишга эътиборни янада кучайтириш лозимлигини айтиб ўтди.

Қизғин баҳс-мунозара, савол-жавоб ва билдирилган фикр-мулоҳаза ҳамда таклифлар асосида фракциянинг ушбу масала юзасидан тегишли қарори қабул қилинди.

Азамат ЗИЁ,
ЎзМТДП фракцияси аъзоси:

— Молия вазири ўринбосарининг давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2018 йил ҳамда 2019 йил биринчи чоракдаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботини тинглаб, изчиллик билан амалга оширилаётган ишлар қаторида ҳали бажарилиши лозим бўлган вазифалар ҳам мавжудлигига амин бўлдим. Чунки айрим соҳаларда ислоҳотлар жуда қийинчилик билан амалга оширилаётган бир шароитда бюджет тушуми бўйича белгиланган режа бажарилиб, қўшимча манбалар ҳисобига янада ошган. Харажатлар ҳам шунга яраша бўлгани қувонарли. Лекин ажратилган маблағлардан самарали фойдаланиш борасидаги ишлар қониқарли эмас.

Маълумки, давлат бюджети, асосан, халқнинг меҳнати ҳисобига шакллана-ди. Демак, тушаётган маблағнинг ҳар бир тийинидан тежаб-тергаб фойдаланиш лозим. Бюджетда бирор соҳага маблағ ажратилдими, унинг қандай сарфланганини сўраб-суриштирайлик, натижаси билан қизиқайлик. Яъни, натижа бўйича пул бериб, сифат ўзгаришига ўтиш вақти етди.

Шуҳрат ТЎХТАБОЕВ,
ЎзМТДП фракцияси аъзоси:

— Бугун мамлакатимизда "Обод қишлоқ" дастури ижроси доирасида кенг кўламли амалий ишлар қилинаяпти. Қишлоқларимизнинг меъморий қиёфаси тубдан янгиланиб, йўл-транспорт инфратузилмаси яхшиланяпти, ижтимоий соҳа объектлари барпо этилиб, аҳолининг турмуш тарзи ўзгараётгани эътиборга молик. Аммо дастур доирасида белгиланган режалар ҳамма жойда ҳам бирдек бажарилмаяпти, қоғозда бору амалда қилинмаган ёки бошланган ишлар охирига етказилмаган. Ҳар ойда жойларга чиқиб амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёни билан танишганимизда бунга гувоҳ бўляпмиз.

Демак, баъзи ҳудудларда бюджет маблағлари мақсадли сарфланмаяпти, жой-жойига қўйилмаяпти. Аслида пул берилгандан кейин Молия вазирлиги буни назорат қилиши ҳам керак эмасми?

Бугунги йиғилишда бюджетдан қанча миқдорда маблағ ажратилгани ҳақида статистик маълумотларни эшитдик, лекин амалий натижалар номаълумлигича қолди, дейиш мумкин.

Р.МАВЛОНОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

Муносабат

Сўнгги йилларда мамлакатимизда илмий-тадқиқотлар самарадорлигини ошириш, илм-фан ютуқлари, инновацион ишланмаларни ишлаб чиқаришга кенг татбиқ қилиш, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш, жамиятни ҳар жиҳатдан янгилашда фаннинг ролини кучайтиришга катта эътибор қаратилмоқда. Илмий ва инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлаш, кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда ва бу давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

ИЛМ-ФАНГА ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВ — МИЛЛИЙ ЮКСАЛИШНИНГ АСОСИ

Президент Шавкат Мирзиёевнинг пойтахтимизнинг Олмазор туманига ташрифи доирасида Ўзбекистон Миллий университетида олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари раҳбарлари, академиклар, олимлар, ёш мутахассислар билан учрашувда илм-фан тараққиёти ва бу соҳада ходимлар фаолияти билан боғлиқ муаммолар рўй-рост айтилди. Давлатимиз раҳбари уларни тезроқ бартараф этиш бўйича бир неча таклифни илгари сурди, олимлар, ёш тадқиқотчиларнинг фикр-мулоҳазаларини тинглади.

Албатта, ушбу соҳада фаолият кўрсатаётган олимлар, тадқиқотчилар, ёш мутахассисларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилмай туриб, илм-фанда юқори натижаларга эришиб бўлмайди. Шу маънода, сўнгги йилларда соҳа мутахассислари изчил рағбатлантирилиб келинмоқда. Илмий ходимларнинг ойлик маоши ўтган йилнинг 1 сентябридан ўртача 25 фоизга, шу йил 1 январдан 20 фоизга оширилган эди, 1 июлдан эса яна 25 фоизга кўтарилади. Бу амалий чораларнинг мантиқий давоми сифатида жорий йил 1 сентябрдан барча давлат ташкилотларида илмий-педагогик фаолият билан шуғулланаётган, таълим ва илм-фан соҳасида хизмат қилаётган фан номзодларининг ойлик маошига 30 фоиз, фан докторлари учун эса 60 фоиз устама ҳақ белгиланадиган бўлди.

Давлатимиз раҳбари импорт ўрнини босадиган ва ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришга қаратилган илмий ишланмаларни кўпайтириш, соҳадаги ҳар бир ташкилотда илмий маҳсулотларни бозорбоп қиладиган маркетинг тизимини ташкил қилиш зарурлигини таъкидлади. Илмий муассасаларни келгуси йилдан тўғридан-тўғри давлат бюджетидан молиялаштиришга ўтказиш таклифи олимлар томонидан қизғин қўллаб-қувватланди.

Бу бежизга эмас. Чунки шу пайтгача илмий тадқиқот муассасаларини давлат бюджетидан молиялаштириш тўхтатилган эди. Ҳамма ўз билганича иш қилди. Илмий изланишлар, лойиҳалар фақат чет эл грантлари асосида молиялаштирилди, холос. Натижада ишлаб чиқариш тизими илмий ёндашувдан узоқлашди. Мавжуд имкониятлардан тўғри фойдаланмаслик оқибатида четдан янада кўпроқ маҳсулот сотиб ола бошладик. Масалан, бугун хориждан мамлакатимизга 15 миллиард АҚШ доллари миқдоридаги товарлар импорт қилинмоқда. Биргина, қоғозга 500 миллион АҚШ доллари, заргарлик буюмларига эса 570 миллион АҚШ доллари харажат қилияпмиз. Аслида қадимда Самарқандда энг сифатли қоғоз тайёрланган ва буни бошқа халқлар биздан ўргангани тарихдан маълум-ку! Заргарлик маҳсулотларини тайёрлашда эса уста-ҳунармандларимизга тенг келадигани бўлмаган. Йиллар давомида илмий салоҳиятни оширишга эътибор қаратилмагани, соҳада инновацион ёндашувнинг йўқлиги, мотивациянинг етишмаслиги, илмий изланишнинг рағбатлантирилмагани, бефарқлик ва лоқайдлик натижасида шундай аҳволга келиб қолдик.

Президентимиз соҳа вакиллари билан бўлган учрашувда янги фикр ва янги ғояга, инновацияга таянган давлат ҳар доим олдинда юриб, ривожланиши, шунинг учун, импорт ўрнини босадиган ва ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришга қаратилган илмий ишланмаларни кўпайтиришимиз, энг муҳими, ишланмалар маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қизиқтириши ҳамда харидоргир бўлиши зарурлигини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари мамлакатимизни инновацион ривожлантириш орқали 2030 йилга қадар Глобал инновация индексида илғор 50 мамлакат қаторидан жой эгаллаши бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилаётганини маълум қилди.

Учрашувда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети илмий-педагогик фаолият ва кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштиришга оид режалар тақдимоти ҳам ўтказилди. Беш йиллик комплекс дастур ишлаб чиқиб, университет фаолиятини ривожлантириш ва унинг халқаро рейтингларда муносиб ўрин эгаллашини таъминлаш бўйича топшириқлар берилди. Университет ҳузуридаги лицейни табиий ва аниқ фанларга ихтисослаштириш, етук мутахассисларга эҳтиёж ортиб бораётганини инобатга олиб, янги факультетлар ташкил этиш зарурлиги таъкидланди. Бунинг учун 6 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратиладиган бўлди.

Учрашувда археология соҳасини янада ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Бу соҳани тараққий эттириш бўйича давлат дастурини қабул қилиш бўйича мутасаддиларга топшириқлар берилди. Археологик топилмаларни аниқлаш лабораторияси учун 2 миллион АҚШ доллари ажратиладиган бўлди. Ажабланарли томони, шу кунга қадар мамлакатимиздаги археологик топилмалар илмий ўрганиш ва тадқиқ этиш учун Францияга юборилар, бунинг учун катта маблағ сарфланар эди.

Изланувчан олимларни рағбатлантириш мақсадида илмий ишланма яратган тадқиқотчига докторлик ва уни амалиётга татбиқ этган изланувчига таянч докторлик илмий даражасини берадиган бинар (иккиталик) ҳимоя тизимини жорий қилиш, бюджет маблағлари ҳисобидан стажер-тадқиқотчилар институтини ҳамда юртимиз биологик хилма-хиллигини ўрганадиган дала-тажриба станциялари ташкил этиш тавсия қилинди.

Давлатимиз раҳбари учрашувда таъкидлаганидек, илм-фанни ривожлантиришда фидоийлик етишмаяпти, катализаторлар йўқ. Натижада илмий салоҳиятда, онгимизда ўзгариш бўлмаяпти.

Учрашувда Президентимиз Ўзбекистон Миллий университети математика факультети 4-босқич талабаси, математика бўйича ўтказилган халқаро олимпиадаларда 4 олтин, 1 кумуш ва бронза медалини қўлга киритган Сардор Бозорбоевга автомашина совға қилди.

Буларнинг барчаси ёшларнинг илмий фаолиятга бўлган қизиқишини оширади, илм-фан билан шуғулланаётганлар сафини янада кенгайтиради. Зеро, айни дамда мамлакатимизда ёшларнинг олий таълимга қамрови атиги 9 фоизни ташкил этиши, бу кўрсаткич қўшни давлатларда 60 фоиз эканлиги давлатимиз раҳбари томонидан кўтарилаётган масаланинг нақадар муҳим эканлигини кўрсатади.

Албатта, мамлакатимизда илм-фан, таълим тизимини ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда ва амалга оширилаётган ўзгаришлар, соҳадаги тикланишлар миллий юксалишга асос бўлиб хизмат қилади.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси сайловолди Платформасида таълим жараёнига замонавий истиқболли илм-фан ютуқларини жорий этиш, мамлакатимизда илм-фанни янада ривожлантириш, илмий фаолиятга истеъдодли, қобилиятли ёшларни жалб этиш вазифалари устувор этиб белгиланган.

Шундан келиб чиққан ҳолда, "Миллий тикланиш" демократик партияси фаоллари, барча даражадаги депутатлар Ўзбекистон 2030 йилга қадар Глобал инновация индексида илғор 50 мамлакат қаторидан жой эгаллаши учун Президент Шавкат Мирзиёев томонидан илм-фанни ривожлантириш, унинг ишлаб чиқариш билан интеграциялашув жараёнини тезлаштириш борасида билдирган фикри, белгилаб берган вазифаларини қўллаб-қувватлайди, уларнинг ижросини тўла таъминлаш, амалиётга татбиқ этишда фаол иштирок этади.

ЎзМТДП Марказий кенгаши
Ахборот хизмати

Таҳлил ва таққос

БУХОРО ВИЛОЯТ КЕНГАШИ ФАОЛИЯТИ БУГУНГИ КУН ТАЛАБИГА МОСМИ?

ЎзМТДП Бухоро вилоят кенгаши раиси Махсуд МУҲАММЕДОВ билан суҳбат

Яқинда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Бухоро вилоят кенгашининг навбатдан ташқари кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтган эди. Йиғилишда партия Бухоро вилоят кенгашининг 2018 йилдаги фаолияти, шу йилнинг биринчи чорак якунлари таҳлил қилинди, маданий мерос объектларини ўрганиш, бу борада партия гуруҳлари томонидан амалга оширилган ишлар, йўл қўйилган камчиликлар, фойдаланилмаган имкониятларга эътибор қаратилди, уларни тезроқ бартараф этиш чоралари кўрилиб, вазифалар белгиланди.

— Партия вилоят кенгашининг танқидий-таҳлилий руҳда ўтган навбатдан ташқари йиғилишидан қандай хулосалар чиқарилди?

— Бугунги давр сиёсий партияларнинг вакиллари ва депутатлардан мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг иштирокчиси, ташаббускори бўлишни тақозо этмоқда. Аммо тан олиш керак, ҳақиқатан ҳам бугунги кунда партия ҳудудий кенгашларида фаолият кўрсатаётган ходимларнинг барчаси етарли билим ва малакага эга, деб бўлмайди. Шу боис ҳам партия вилоят кенгашининг кенгайтирилган мажлисида фаолиятимизга билдирилган танқидлардан хулоса чиқариб, йўл қўйилган камчиликларни таҳлил қилдик, фойдаланилмаган имкониятларни ўргандик. Бугун халқимиз манфаати йўлида амалга оширилаётган ислоҳотлар, партиямизнинг дастурий мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда партия вилоят ва туман кенгашлари, депутатлар олдига фаолиятимизни жонлантириш, ташаббускор ғоялар асосида иш олиб бориш бўйича аниқ вазифаларни белгиладик. Ҳар бир топшириқ бўйича масъуллар тайинланиб, жавобгарликни кучайтириш чораларини кўрдик.

Партиянинг "Уйма-уй", "Депутат билан юзма-юз", "Хизмат — беминнат" лойиҳалари йўналишидаги ишларни янада самарали ташкил этиш мақсадида депутатлик гуруҳлари билан мунтазам иш олиб борилиб, улар фаолияти юзасидан ҳафталик ишлар мониторингини юритиш йўлга қўйилган. Аниқ манзилли чора-тадбирлар режаси белгиланиб, бир кун, ҳафта ёки бир ой мобайнида амалга оширилиши лозим бўлган ишлар белгиланган. Кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож оила фарзандларини партиянинг "Хизмат — беминнат" лойиҳаси доирасида бепул таълим олиши ва ҳунар ўрганишини таъминлаш мақсадида маҳаллий кенгаш депутатлари билан ҳамкорлик режаси ишлаб чиқилган.

— Президентимиз шу йилнинг 29-30 март кунлари Бухоро вилоятига ташрифи чоғида вилоят фаоллари, мутасадди раҳбарлар иштирокидаги йиғилишида Ислом дунёси марказларидан бири ҳисобланган Бухорони "саёҳатлар чорраҳаси"га айлантириш лозимлигини таъкидлаб, бир қанча таклифлар берган эди. Партия вилоят кенгаши томонидан бу борада қандай ишлар амалга оширилмоқда?

— ЎзМТДП вилоят кенгаши, ҳудудий ташкилотлари партиянинг дастурий мақсад ва сайловолди Платформасидан келиб чиққан ҳолда Бухорода туризмни ривожлантиришга қаратилган саъй-ҳаракатларда фаол иштирок этмоқда.

Давлатимиз раҳбари вилоят ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масалаларига бағишланган фаоллар йиғилишида Бухоронинг сайёҳлик салоҳиятидан фойдаланиб, 2021 йилгача хорижий туристлар сонини икки баробар кўпайтириш, хизматлар тушумини 350 миллион АҚШ долларга етказиш лозимлигини қайд этган эди. Бунинг учун аввало замонавий меҳмонхоналар барпо этиш, транспорт инфратузилмасини яхшилаш зарурлигини таъкидлаганди.

Авиақатновлар сонини ошириш, Самарқанд, Хива, Шаҳрисабз шаҳарлари билан автобус ва поездлар қатновини кўпайтириб, Бухорони "саёҳатлар чорраҳаси"га айлантириш, шунингдек, "Бухоро тарихи" музейини қуриш, кўнгилочар масканлар, ҳунармандлар марказлари ва эски шаҳар қисмида туристлар пиёда сайр қиладиган йўналишлар ташкил қилиш бўйича топшириқлар берилган эди.

Бугун шу таклифлардан келиб чиққан ҳолда Бухоро шаҳридаги "Бухоро-палас", "Варахша" ва "Зарафшон" меҳмонхонаси реконструкция қилиниб, 32 янги меҳмонхона, 9 мотель ва 50 меҳмон уйини фойдаланишга топшириш ишлари бошланган. Бунинг натижасида меҳмонлар ўрни 7 мингтага етиб, туристларни қабул қилиш имконияти икки баробар ошади. Ғиждувон-Когон йўналишидаги 122 километр йўлни таъмирлаш, "Етти пир" зиёратгоҳи ўртасида қулай ва замонавий транспорт қатновини йўлга қўйиш, халқаро ҳалол стандартини кенг жорий этиш бўйича ҳам ишлар олиб борилмоқда.

Бу борадаги ишларни самарали ташкил этиш мақсадида шу йилнинг 9 апрель куни халқ депутатлари Бухоро вилоят Кенгаши сессиясига ЎзМТДПдан вилоят Кенгашига сайланган депутатлик гуруҳи томонидан "Вилоятда туризм соҳасини ривожлантириш бўйича олиб борилаётган ишларнинг самарадорлиги тўғрисида"ги масала киритилди. Қарор қабул қилиниб, тегишли мутасадди ташкилотлар раҳбарларига топшириқлар берилди. Бугун унинг ижроси тўла назоратга олинган. Шунингдек, халқ депутатлари Ромитан туман Кенгаши сессиясида "Туманда туризм соҳасини ривожлантириш бўйича олиб борилаётган ишларнинг самарадорлиги тўғрисида" масала ҳам кўрилиб, қарор қабул қилинди.

Партия вилоят кенгаши, маҳаллий ташкилотлар, депутатлар томонидан Бухорода туризмни ривожлантириш, бу борада мавжуд муаммоларни аниқлаш ва ечим топиш бўйича йигирмадан ортиқ таклиф ишлаб чиқилиб, тегишли идораларга тақдим қилинган.

— Вилоятда моддий маданий мерос объектларини асраш, таъмирлаш, муҳофаза ҳудудларини белгилаш бўйича қандай ишлар амалга оширилмоқда? Айтиш мумкинки, кўрилаётган чора-тадбирларга қарамай, бу борада ўзгаришлар жуда қийинчилик билан амалга ошириляпти...

— ЎзМТДП ва унинг ҳудудий ташкилотлари томонидан 2018 йилнинг сентябрь-октябрь ойида мамлакатимиздаги тарихий иншоотлар хатловдан ўтказилганидан хабарим бор ва унинг натижаси билан танишиб чиқдим. Тўғри, камчиликлар мавжуд, аммо айтишга арзигулик ишлар ҳам қилинган.

Белгиланган муддатда вилоятдаги жами 660 та моддий маданий мерос объекти тўла ўрганиб чиқилди. Барча депутатлик гуруҳлари томонидан халқ депутатлари вилоят ва туман Кенгашлари сессияларига аниқланган муаммо ва камчиликлар юзасидан масалалар киритилиб, ижроси назоратга олинган.

Бухорога туристларни янада кўпроқ жалб қилиш бўйича сайёҳлар кўп келадиган маданий мерос иншоотлари ва зиёратгоҳларда амалга ошириладиган ишларнинг "йўл харитаси" ишлаб чиқилган. Бунинг натижасида 2018 йил давомида 15 та моддий маданий мерос объектида таъмирлаш ва тиклаш ишлари олиб борилган. Ўта муҳим ижтимоий маданий ва тарихий аҳамиятга молик объектлар, жумладан, "Арк" қўрғони, "Мир Араб", Улуғбек, Абдулазизхон, Амир Олимхон мадрасалари, "Калон" масжиди, "Минораи Калон" мажмуалари қайта реставрация қилинган. Олтмишга яқин маданий мерос объекти ободонлаштирилган. Шунингдек, моддий маданий мерос иншоотлари ва уларга туташ ҳудудларни кўкаламзорлаштириш ва зарур ҳолатда сақлаш бўйича инвестиция мажбуриятини олган ҳолда ижарага бериш учун 50 та объектнинг рўйхати шакллантирилган.

Қоровулбозор туманида иккита маданий мерос объекти — Қоровулбозор ва Бўзачи сардобалари давлат муҳофазасига олинган. Узоқ тарихдан сўзловчи ушбу обидалар сўнгги йилларда қаровсиз ҳолга келиб, тупроқнинг шўрланиши натижасида нураб тушаётган эди. Партия гуруҳи ушбу масалани обдон ўрганиб, туман Кенгаши сессиясига киритди ва қарор қабул қилинишига эришди. Айни пайтда қарор ижроси бўйича амалий ишлар бошлаб юборилган. Жумладан, Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, улардан фойдаланиш илмий-ишлаб чиқариш Бош бошқармасининг Бухоро ва Навоий вилоятлари бўйича минтақаларо давлат инспекцияси "Жасур меъмор" МЧЖ пудратчи ташкилоти билан бирга таъмирлаш ишларини олиб бормоқда. Тарихий обида гумбаз қисмининг кўчган, нураган жойлари таъмирланиб, тўққизта арканинг ётитаси тартибга келтирилди. Сардоба тубидаги катта миқдордаги сув шу атрофдан ўтган захкашга оқизилди. Кириш қисмидаги дарвоза тўлиқ таъмирланиб, ён-атрофи ободонлаштирилди.

Партия вилоят кенгаши саъй-ҳаракати билан маданий мерос объектлари жойлашган айрим йўлларда автотранспорт, айниқса, оғир техника воситаларининг ҳаракатланиши чекланди. Маданий мерос объектларини асраб-авайлашга қаратилган тарғибот-ташвиқот ишлари мунтазам олиб борилмоқда.

— Партия Бухоро вилоят кенгаши бугунги кунда ўз фаолиятида асосан нималарга эътибор қаратиши лозим, деб ҳисоблайсиз?

— Албатта, ҳали қилиниши зарур бўлган ишлар кўп, камчиликлар ҳам етарли. Масалан, 2018 йилда мутасаддиларга қонунлар ва ҳукумат қарорлари ижроси юзасидан 170 та, фуқароларнинг мурожаати асосида эса 158 та депутатлик сўрови юборилган. Аммо уларнинг айримлари ижроси эътиборсизлик оқибатида назоратга олинмаган. Халқ депутатлари Когон шаҳар ва Олот туман Кенгашларидаги партия гуруҳлари томонидан Кенгаш сессиясига масала киритишда сусткашликка йўл қўйилган.

Фуқароларимизнинг сиёсий, ижтимоий, ҳуқуқий онги, жамиятда рўй бераётган воқеалар, ислоҳотларга дахлдорлик ҳисси кучайгани, масъулият ва жавобгарлик туйғусининг ошгани сиёсий партиялар олдига ҳам аҳоли билан иш олиб боришда янгича ёндашув талабини қўймоқда. Шу боис бугун талаб даражасида ишламаётган партия туман кенгашлари ва депутатлик гуруҳлари раҳбарлари билан алоҳида-алоҳида гаплашиб олдик. Улар зиммасига ўз ишини тезда ўнглаш бўйича қатъий вазифа ва масъулият юклатилди. Чунки бу йил муҳим сиёсий тадбир — сайлов арафасида турибмиз. ЎзМТДП ғояси, мақсад ва вазифалари тарғиботига қаратилган тадбирлар, учрашувларни янада кўпайтиришимиз, маҳаллий Кенгаш депутатлари уйма-уй юриб, фуқароларнинг муаммоларини ўрганиш ишларини фаоллаштириши лозим. Энг муҳими қилаётган ишимизда самара бўлсин. Шундагина халқимиз биздан рози бўлади ва ишончи ортади.

"Milliy tiklanish"мухбири Равшан МАҲМУДОВ суҳбатлашди.

Конференция

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий кенгаши томонидан Самарқандда тегишли ташкилотлар ҳамкорлигида "Архитектура ва археология маданий мерос объектларини асраш ва улардан фойдаланиш" мавзусида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Анжуманда бебаҳо бойлигимиз бўлган тарихий ёдгорликлар, муқаддас қадамжоларни сақлаш ҳамда уларни келажак авлодга бус-бутун етказиш масалалари атрофлича муҳокама қилинди.

МАДАНИЙ МЕРОС — МАЪНАВИЯТ ЎЧОҒИ

ёхуд уларни асраш бўйича Самарқандда қандай муаммолар мавжуд?

Конференцияда ЎзМТДП Марказий кенгаши раиси ўринбосари Алишер Ҳамроев иштирок этди.

Конференцияда таъкидланганидек, дарҳақиқат, Самарқанд — дунё нигоҳини ўзига қаратган мўъжизавий маскан. Ҳар йили минглаб сайёҳлар бу муборак манзилга келиб, маданий мерос объектларини ҳайрат ва ҳавас билан томоша қилади. Бу эса ўзини самарқандликман деб билган ҳар бир киши қалбида чексиз ғурур ва фахр ҳиссини уйғотиб, юртимизнинг шонли тарихи ва аждодларимиз чексиз ақл-заковатидан гувоҳлик берувчи обидаларни ҳамда қадамжоларни асраб-авайлашга даъват этади. Минг афсуски, маданий мерос объектларига бўлган эътиборсизлик ва нотўғри муносабат туфайли мамлакатимиздаги, хусусан, Самарқанд вилоятидаги жуда кўплаб архитектура ва археология ёдгорликларига катта талофат етказилди, айримлари умуман йўқотиб юборилди.

Шу боис, маданий мерос объектларини асраш ва шу йўл орқали туризмни ривожлантиришни устувор вазифаси деб билган Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси юртимиздаги мавжуд барча маданий мерос объектларини хатловдан ўтказди. Самарқанд вилоятида ҳам ўрганиш давомида рўйхатга олинган 1 минг 626 тарихий объектда муаммолар мавжудлиги аниқланди. Жумладан, 1 минг 247 архитектура ва археология ёдгорлигида кадастр ҳужжати, 1 минг 359 тасида муҳофаза белгилари йўқ.

Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларидаги партия гуруҳлари бу муҳим масалани сессиялар кун тартибига олиб чиқди ва камчиликларни бартараф этиш бўйича маҳаллий Кенгашларнинг тегишли қарорлари ҳам қабул қилинди. Бироқ жойларда қарорлар ижроси ҳамон таъминланмасдан қолиб кетмоқда.

Конференцияда ҳокимликлар қабул қилинган қарорлар ижросини таъминлаши лозимлиги алоҳида қайд этилди. Бу борада партия фаоллари, депутатлар олдида турган муҳим вазифалар белгилаб олинди.

Шундан сўнг мутахассисларнинг "Археология объектларини асраш ва улардан фойдаланишга доир вазифалар", "Маданий мерос объектларини асрашда инспекция томонидан олиб борилган ишлар", "Ички туризм имкониятлари ва улардан фойдаланиш йўллари", "Ёш авлод онгида миллий ўзликни англаш туйғусини ўстиришда тарихий-маданий ёдгорликларнинг ўрни ва аҳамияти" мавзусидаги маърузалари тингланди.

Анжуманда билдирилган фикрлар, таклифлар асосида тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, уларни ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда амалга оширишга келишиб олинди.

ЎзМТДП Самарқанд вилоят кенгаши Ахборот хизмати

Тадбир

ХАЙР МАКТАБ, САЛОМ, МУСТАҚИЛ ҲАЁТ!

Мана ўқув йили якунланиб, мактабларда сўнгги қўнғироқ жаранглади. Битирувчиларнинг кўзларида қувонч билан бирга, бироз ҳадик ҳам бор. Чунки 11 йил илгари мактаб қучоғига илк бор қадам бўйган жажжи ўқил-қиз бугун улғайиб, улкан орзу-мақсадлар билан ҳаётнинг катта остонасида турибди.

Яшнобод туманидаги 77-сонли ихтисослаштирилган мактаб-интернатида 25 май — "Сўнгги қўнғироқ" тадбири тантана билан нишонланди. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий ва Тошкент шаҳар кенгашлари вакиллари ҳамда маҳаллий Кенгаш депутатларининг ташрифи байрамга янада ўзгача шукуҳ бағишлади.

Тадбирда партия Марказий кенгаши раиси ўринбосари Феруза Мухамеджонова сўзга чиқиб, аввало, оталик ва оналик меҳри билан ёшларга таълим-тарбия берган устозларга ташаккур айтиб, битирувчиларга омад ва зафар тилади.

— Мамлакатимизда ёшларнинг таълим-тарбия олиши, касб-ҳунар ўрганиши учун зарур барча шарт-шароит яратилган. Сиз каби билимга чанқоқ ёшлардан эндиги талаб, яратилган имкониятдан унумли фойдаланган ҳолда келажакда етук кадр бўлиб етишиш ва у орқали буюк аждодларимизга муносиб фарзанд бўлиб, ҳеч кимдан кам бўлмаган ҳолда халқимиз фаровонлиги, юртимиз тараққиётига улкан ҳисса қўшишдир, — деди партия вакили.

Мактабда намунали ҳулқи ва аъло баҳолари билан бошқаларга ўрнак бўлган ўқувчилар фахрий ёрлиқ билан тақдирланди. Шунингдек, ЎзМТДП вакиллари устозлар, барча битирувчиларга китоб ва эсдалик совғалари топширилди. Ўқувчилар она Ватан, мактаб, устозлар ҳақида шеърлар ўқиди, сўнгги қўнғироқ ҳақида қўшиқлар куйланди.

Ҳамманинг қалбига титроқ солгувчи сўнгги қўнғироқ жаранглади:

Оқ йўл, сенга битирувчи!

Ўз мухбиримиз

Фаолиятимиз талаб даражасидами?

ҲУДУД РАВНАҚИ, АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИГА ҲИССА ҚЎШИШ ДЕПУТАТ ЗИММАСИДАГИ АСОСИЙ ВАЗИФА

Президентимиз шу йилнинг 6-7 май кунлари Фарғона вилоятига ташрифи чоғида фаоллар иштирокида ўтказилган йиғилишда 2018 йилги кўрсаткичлар таҳлили билан бир қаторда, янги муҳим вазифаларни белгилаб берди. Айниқса, аҳолини иш билан таъминлаш ва даромадларини ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратди. Бу жараёнда бўш иш ўринларини яратиш, тадбиркорликни ривожлантириш муҳим эканлиги таъкидланди. Бинобарин, "Халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва қудратли бўлади" деган ғоя сиёсатнинг муҳим йўналишларидан бири эканлигини барча ислоҳотлар замирида халқимизнинг фаровон турмушини юксалтиришдек эзгу мақсад мужассамлигида кўриш мумкин. Бу эса депутатлар зиммасига ҳам халқ орасига кириб, улар билан юзма-юз мулоқот қилиш орқали аҳолини қийнаётган муаммоларни ўрганиш ва ечим топишдек масъулиятли вазифани юклайди.

Бугунги кунда халқ депутатлари Фарғона вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига ЎзМТДПдан сайланган 81 нафар депутат фаолият юритмоқда. Халқ вакиллари 2019 йилнинг биринчи чорагида аҳоли билан учрашувлар ўтказиб, кўплаб масалаларга ечим топишга кўмаклашди. Кенгашлардаги ЎзМТДП гуруҳлари ташаббуси билан уч ой мобайнида халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлар сессияларида 5 та қарор қабул қилинган бўлиб, доимий комиссиялар йиғилишларига 12 ташаббус-масала олиб чиқилган ва 29 мансабдор шахснинг ахборотини тинглашга эришилди.

— Сайловчиларнинг ишончини оқлашда депутатлар янада фаол бўлиши керак, — дейди халқ депутатлари Фарғона вилоят кенгашидаги ЎзМТДП гуруҳининг ижрочи котиби Муроджон Қўлдошев. — Халқ депутатлари Фарғона вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига ЎзМТДПдан сайланган депутатлар томонидан шу йилнинг биринчи чорагида жами 80 депутатлик сўрови юборилган бўлиб, қонун ва ҳукумат қарорларининг жойларда ижроси бўйича депутатлик назорати 5, фуқаролар мурожаатлари асосидаги ҳал этилган шикоятлар 75 тани ташкил қилади, Мазкур депутатлик сўровлари соҳалар бўйича мониторинг қилинганида, газ, сув, электр энергия муаммолари бўйича 19, аҳоли бандлигини таъминлаш соҳасида 11, соғлиқни сақлаш ҳамда йўл таъмирлашга доир 5, тадбиркорликни ривожлантириш ва таълим соҳасида 4, шунингдек, коммунал тўловларга тааллуқли 2 ҳамда бошқа соҳалар бўйича 30 мурожаат келиб тушган.

Таҳлил натижалари, мурожаатларнинг аксарияти газ, сув ва электр таъминотидаги узилишлар билан боғлиқлигини кўрсатди. Бу эса вилоятдаги мазкур соҳалар мутасаддиларидан ўз фаолиятига янада масъулият билан ёндошиш, аҳоли турмуш даражасини ошириш масаласига беписандлик билан қарамасликни тақозо этади.

Биринчи чорак давомида халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига ЎзМТДПдан сайланган депутатлар юборган жами депутатлик сўрови ҳудудлар кесимида олинадиган бўлса энг кўпи халқ депутатлари вилоят Кенгаши (13) ҳамда Олтиариқ туман Кенгаши депутатлари (9) ҳисобига тўғри келади. Халқ депутатлари Фарғона шаҳар, Бувайда ва Риштон туман Кенгашларида атиги биттадан депутатлик сўрови юборилгани, Сўх ва Қува туманларида эса умуман сўров киритилмаган.

2018 йилнинг биринчи чораги билан жорий йилнинг шу даври таққослаганда, ўтган йил партия гуруҳи аъзоларининг депутатлик сўровлари 132 тани ташкил қилган. Бу жорий йилнинг шу даврига нисбатан 52 та кўп дегани. Партия гуруҳи аъзолари ташаббуси билан халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари йиғилишларида ўтган йилнинг шу даврида атиги икки мансабдор шахснинг ҳисоботи тингланган бўлса, жорий йилда бу 29 тани ташкил этди. Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлар доимий комиссиялари йиғилишларига олиб чиқилган таклифлар 2019 йилнинг биринчи чорагида ўнтага, сессияларга олиб чиқилган таклифлар эса учтага ошган.

Ўтган йил давомида ЎзМТДПдан халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайланган депутатлар томонидан юборилган сўровлар сони, аҳолидан келиб тушган мурожаатлар ва уларнинг натижалари таҳлили халқ депутатлари Фарғона вилоят, Марғилон ва Қувасой шаҳарлари, Бешариқ, Сўх ҳамда Учкўприк туман Кенгашлари депутатлари Гулчеҳра Йўлдошева, Шуҳрат Мадраҳимов, Солижон Холмирзаев, Ортиғали Исомиддинов, Маъмуржон Ботиров ва Маҳаммад Деҳқонов аҳолини қийнаб келаётган масалаларга ечим топиш юзасидан нисбатан яхши натижага эришганини кўрсатди.

Мурожаатлардан айримларига тўхталсак. Тошлоқ тумани "Меҳнатобод" маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи бир гуруҳ фуқаролар ҳудудда ичимлик суви йўқлиги сабабли ушбу муаммонинг ечимини топишда ёрдам сўради. Мазкур масала халқ депутатлари Тошлоқ туман Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат Ғайрат Эшматов томонидан ўрганилиб, "Сувоқава" ДУК туман филиалига мурожаат этилди. Орадан кўп вақт ўтмай ҳудудга тоза ичимлик суви қувури тортиб келтирилди.

Яна бир мурожаатда Қува тумани "Толмозор" МФЙда истиқомат қилувчи Шоҳсанам Умарованинг илтимоси акс этган. Яъни фуқаро эҳтиёжманд оила фарзанди экани, Андижон давлат университетида тўлов шартномаси асосида таҳсил олаётгани сабаб кафиллик асосида, таълим кредити олишда амалий ёрдам сўраган. Мазкур масала юзасидан халқ депутатлари вилоят Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат Отабек Аширалиев саъй-ҳаракати билан ечим топди. "Qishloqqurilishbank" вилоят филиалига тегишли ҳужжатлар топширилгач, орадан кўп ўтмай талабага таълим кредити ажратилди.

Мисол тариқасида эътироф этилган ушбу амалий ишлар ўтган 2018 йилда аҳоли мурожаатларининг ижобий ечимидан айримлари холос. Юқоридаги рақамларга эътибор берсак, халқ депутатлари Фарғона вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига ЎзМТДПдан сайланган депутатлар фаолиятида биринчи чоракда ўтган йилнинг шу даврига нисбатан аҳоли мурожаатлари билан ишлашда оқсаш юзага келганини кўриш мумкин. Аммо келгусида бу камчиликларни бартарф этиш, халқ вакилларининг партия электорати манфаатларини ҳимоя қилишда жонбозлик кўрсатишига эришишда ҳудудий партия гуруҳларининг ташаббускорлиги ва фаоллиги муҳим аҳамият касб этишини унутмаслик даркор. Бинобарин, фидойилик, қатъиятлилик, одамлар тақдирига бефарқ бўлмаслик, уларнинг дарди билан яшаш, муносиб ҳаёт шароитини яратишга кўмаклашиш депутатларнинг асосий вазифасига айланиши зарур.

Дилфуза МАҲКАМОВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

Намунали депутат

ХАЛҚ ВАКИЛИ ДОИМО ФАОЛ БЎЛМОҒИ ЗАРУР

"Халқ вакилларининг хонадонимизга келиб самимий суҳбатлар ўтказаётгани, муаммоларимизни тинглаётгани, бизни жуда қувонтирмоқда. Депутат Зулайҳо Раззоқова билан мулоқот жараёнида оиламизни анчадан буён ташвишлантираётган муаммо — фарзандим Аббос Мусурмонқуловнинг вилоят ихтисослаштирилган санъат мактабида таълим олиши моддий етишмовчилик туфайли ҳал бўлмай келаётганини айтган эдик. Депутатнинг кўмаги билан ушбу муаммо мулоқот бўлиб ўтган кундан кўп ўтмай ижобий ҳал этилди".

Бу — Шароф Рашидов туманидаги Зиёкор маҳалласида яшовчи фуқаро Фурқат Хазратқуловнинг сўзлари...

Дарҳақиқат, халқ депутатлари Шароф Рашидов туман Кенгашига Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясидан сайланган депутат Зулайҳо Раззоқова сайловчилар ишончини оқлаш учун астойдил ҳаракат қилаётган халқ вакилларидан бири. Буни унинг сайловчилар билан доимий алоқада бўлиб, муаммоларни ҳал этишдаги фаолияти мисолида ҳам кўриш мумкин.

Эҳтиёжманд оилалар ва ногиронларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш ҳам депутатнинг доимий эътиборидаги масалалардан. Президентимизнинг одамларнинг дардини эшитиш, улар билан очиқ мулоқотда бўлиш, оғирини енгил қилиш — аҳолининг давлат ва жамиятга ишончини мустаҳкамлашга хизмат қилади, деган сўзларини ўз шиорига айлантирган депутат "Уйма-уй" лойиҳаси доирасида айниқса, ижтимоий ҳимояга муҳтож, кам таъминланган, ногирон ва боқувчисини йўқотган оилаларга мунтазам ёрдам қўлини чўзиб келмоқда. Ўз ваколатидан самарали фойдаланишга ҳаракат қилгани боис шу йилнинг ўтган даври мобайнида фуқаролар мурожаатлари асосида тегишли ташкилотларга 50дан ортиқ депутатлик сўрови юборди, уларнинг аксариятига ижобий ечим топилди. Жумладан, Шароф Рашидов туманининг Саройлик маҳалласида яшовчи Ҳасан Азимовга ногиронлик аравачаси олишда, Мавлуда Эргашевага саломатлигини тиклашда амалий ёрдам кўрсатди.

Тумандаги Зиёкор маҳалласи, Гулистон кўчасида истиқомат қилувчи Улуғбек Муҳиддинов анча йилдан буён белидаги ўсимтадан азият чекади. Лекин мунтазам даволанишга моддий имконияти йўқ. У ана шу масала бўйича Зулайҳо Раззоқовага мурожаат қилади. Орадан кўп вақт ўтмай депутат кўмаги билан фуқаро Тошкент шаҳрида даволаниш имкониятига эга бўлди.

Саройлик маҳалласида яшовчи Дилафрўз Ҳазратқулованинг ҳам боқувчиси йўқ, ҳам туғма ногирон, Лекин у шу пайтгача ногиронлик нафақасини ололмаётган эди. Унинг мурожаати юзасидан мутасадди ташкилотга депутатлик сўров юборилди ва муаммо ижобий ҳал этилди.

Зулайҳо Раззоқовага айниқса кейинги пайтда фуқароларнинг аксарият қисмидан турли хил соҳаларда ўз тадбиркорлигини йўлга қўйиш ва бунинг учун кредит олиш юзасидан кўп мурожаат тушяпти. Натижада депутат кўмаги билан Дилфуза Ориповага паррандачилик йўналишида тадбиркорлик қилиш учун АТБ "Микрокредитбанк" Жиззах вилоят филиалидан 7 миллион 800 минг сўм, Дадажон Эргашевга ҳам мазкур йўналишда 5 миллион 600 минг сўм, Мавлуда Турсунова ҳамда Инобат Лапасованинг ҳам тикувчилик фаолиятини йўлга қўйиш мақсадида кредитлар берилди.

Депутат фаолиятидан бундай мисолларни яна кўп келтириш мумкин.

— Аҳолидан тушаётган мурожаатларнинг аксарияти кундалик турмуш тарзи билан боғлиқ, — дейди депутат Зулайҳо Раззоқова. — Кимдир ишга жойлашиш, кимдир нафақа пулини олиш, яна бошқаси тадбиркорлик фаолиятида дуч келган муаммо юзасидан мурожаат қилади. Лекин депутат учун масаланинг катта-кичиги бўлмайди. Чунки ҳар бир мурожаат ортида инсон тақдири бор. Шунинг учун ҳам уларнинг ҳар бирига алоҳида эътибор қаратиб, имкон қадар ҳал этишга ҳаракат қиляпмиз. Зеро, бугунги давр фаолиятимизни тубдан кучайтиришни талаб этмоқда. Бу иш фаолиятимиз самарадорлигини янада ошириш ва сифат жиҳатдан яхшилаш, янгича тартибда ишлаш деганидир.

Дарҳақиқат, депутатлик — катта масъулият. Бу халқ вакилидан ўзгалар мушкулини осон қилиш, уларнинг мурожаатига ижобий ечим топиш билан мунтазам шуғулланишни талаб қилади. Қувонарлиси, Жиззах вилоятида бундай депутатлар кам эмас. Бугунги кунда халқ депутатлари Жиззах вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясидан сайланган 73 депутат халқ билан доимий мулоқот қилиш, уларнинг дарду-ташвишлари, орзу-ниятлари, ҳаётий муаммо ва эҳтиёжларидан хабардор бўлишга, ҳар бир мурожаатни чуқур ўрганиб, уларни ўз вақтида бартараф этишга кўмаклашиб келаётир. 6-Саройлик сайлов округидан халқ депутатлари Шароф Рашидов туман Кенгашига сайланган Зулайҳо Раззоқова эса бу сафда ҳамиша олдинда бўлишга интилади.

Дилфуза МАҲКАМОВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

Сайлов ... ...

MILLIY TIKLANISH
21 (1019) 2019 йил 29 май, чоршанба

Президент ташаббуси — амалда

БЎКА — ИЛҒОР ТАШАББУСЛАР МАЙДОНИ



Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев томонидан ижтимоий, маънавий-маърифий соҳалардаги ишларни янги тизим асосида йўлга қўйиш мақсадида илгари сурилган 5 та муҳим ташаббус бугун Тошкент вилояти Бўка туманида кенг қулоч ёймоқда.

Тумандаги умумтаълим мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш мақсадида маҳаллий бюджетнинг орттириб бажарилган қисмидан 10 миллиард сўм, ҳудудни ободонлаштириш учун қўшимча 2 миллиард сўм маблағ ажратилган. Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим ҳамда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирликлари томонидан туман марказидаги 3-сонли мактабгача таълим муассасасини замонавий инновацион масканга айлантириш ишлари бошлаб юборилди. Туманнинг чекка ҳудудларида тадбиркорларни жалб этган ҳолда 5 та хусусий мактабгача таълим муассасаси барпо этилмоқда. Туман ёшларининг қизиқиши ўрганилиб, тўгаракларга жалб этиш, бандлигини таъминлаш бўйича изчил саъй-ҳаракатлар йўлга қўйилган.

Биринчи ташаббус доирасида тумандаги маданият марказларининг тўгарак раҳбарлари, болалар мусиқа ва санъат мактаби, умумтаълим мактаблари ўқувчилари иштирокида бадиий учрашувлар, адабий кечалар ташкил этиш анъана тусини олди. Бугунги кунда "Бўстон" маданият марказида қайта таъмирлаш ва жиҳозлаш ишлари якунланган бўлса, "Мустақил Ўзбекистон" ва "Дўстлик" маданият марказларида эса таъмирлаш ишлари давом этаётир. Янгиқўрғон маҳалласидаги 28-умумтаълим мактаби қошида ҳам янги маданият маркази ташкил этиш кўзда тутилган.

Тумандаги 49 та умумтаълим мактабида ташкил этилган уч турдаги 95 тўгаракни мусиқа жиҳозлари билан таъминлаш учун 224 миллион сўм маблағ ажратилди. Бундан ташқари, 10 та таълим муассасасига Корея Республикасининг "Booyoung Housing Co. LTD." компанияси гранти асосида ажратилган пианинолар етказиб берилди.

Иккинчи ташаббус доирасида Бўка туманидаги умумтаълим мактабларида малакали тренерлар томонидан "Очиқ машғулот соати" кўргазмали чиқишлари, маҳорат дарслари ўтказилмоқда. Ўн нафар тадбиркор ҳудудаги спорт иншоотлари (сунъий қопламали футбол майдони, сузиш ҳавзаси, фитнес клуб ва бошқа спорт объектлари)ни барпо этишга киришган. Бугунги кунда 4 тадбиркор қуриш ишларини бошлаб юборган бўлса, қолганларининг таклифлари мутасаддилар томонидан ўрганилмоқда. Шу кунга қадар Дўстлик, Янгиқўрғон ва Бўстон маҳаллаларидаги футбол, "Ёшлар боғи"даги волейбол ва стол тенниси майдончалари қайта тикланди.

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи томонидан "Каттаровот", "Мустақил Ўзбекистон" ва "Новобод" маҳалла фуқаролар йиғинларида сунъий қопламали футбол, волейбол майдончалари, Янгиобод маҳалласидаги 24-умумтаълим мактабида эса "Work out street" спорт иншоотини барпо этиш ишлари давом этмоқда. Шунингдек, мактабларга баскетбол, волейбол, гандбол, футбол тўплари ва бадминтон анжомлари етказиб берилди.

Учинчи ташаббус бўйича туман марказидаги "Рақамли технологиялар ўқув маркази"нинг қурилиши якунланиб, жиҳозлаш ишларига киришилди. Ҳудуддаги умумтаълим мактабларини ахборот технологиялари билан таъминлаш мақсадида 1,9 миллиард сўм маблағ ажратилди. Ушбу йўналишда 762 тўгарак ташкил этилиб, 23 минг 223 ўқувчи қамраб олинди. Тумандаги жами 73 ижтимоий объектни юқори тезликдаги Интернетга улаш учун 593,45 километрлик оптик толали алоқа линияларини қуриш ишлари якунига етказилмоқда.

Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университетининг профессор-ўқитувчилари Бўка туманидаги мактабларнинг информатика фани ўқитувчиларининг замонавий компьютер технологиялари бўйича малакасини оширишда кўмакдош бўлаётир.

Ёшлар маънавиятини юксалтириш, улар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб қилиш бўйича тизимли ишларни ташкил этишга йўналтирилган тўртинчи ташаббус юзасидан барча маҳаллада китобхонлик кечалари ва ижодий учрашувлар ўтказилмоқда. Ушбу тадбирларда маънавият тарғиботчилари, шоир ва ёзувчилар, таниқли санъат усталари иштирок этмоқда. Жумладан, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Республика Маънавият ва маърифат маркази, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан 20 мингдан ортиқ бадиий адабиётлар тумандаги мактаблар, ахборот-ресурс марказларига топширилди, китоб ярмаркаларида ёшларга тарқатилди.

Аввалари олис маҳаллаларда кўплаб болаларнинг китобга меҳрини уйғотиш, мустақил фикр ва дунёқарашини шакллантиришга етарлича эътибор қаратилмаган эди. Бугунги кунга келиб тумандаги умумтаълим мактабларидаги бадиий адабиётлар фонди 702 минг 580 тага етказилган бўлиб, кутубхоналарга аъзо бўлган ўқувчилар 293 минг 669 нафарни ташкил этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан "Бўстон" МФЙдаги "Халқ кутубхонаси"ни қуриш ва ободонлаштириш ишлари якунланган бўлиб, зарур жиҳозлар билан таъминланмоқда. Тасдиқланган "Маънавият ва маърифат Экопарки"нинг бош режаси бўйича қурилиш ишлари бошланди. Шунингдек, контейнер усулида замонавий кутубхона ташкил этиш масаласи ўрганилиб, қурилиш жойи аниқланди.

Хотин-қизларни иш билан таъминлаш масалаларини назарда тутган бешинчи ташаббус бўйича ҳам тумандаги Човлисой маҳалласида истиқомат қилувчи ёш чеварга Ўзбекистон ёшлар иттифоқи томонидан 8 та тикув машинаси топширилиб, тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишда кўмаклашилди.

— Айни пайтда бу ерда 17 нафар хотин-қиз иш билан таъминланди, — дейди Бўка тумани ҳокими ўринбосари, туман хотин-қизлар қўмитаси раиси Марҳабо Абдулазизова. — Шунингдек, Янгиқўрғон, Ўртатепа маҳаллаларидаги бўш турган бинолар реконструкция қилиниб тикув цехларига айлантирилмоқда. Асосий мақсад ёш оилалар учун янги иш ўринлари яратиш, хотин-қизларнинг тадбиркорлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш, фойдали меҳнат билан банд бўлмаган аёлларни иш билан таъминлаш, қишлоқ жойларида доимий иш ўринларини яратишдир. Шуни инобатга олиб жойларда хотин-қизларни тадбиркорликка жалб қилиш борасида тушунтириш, тарғибот ишларини ўтказяпмиз.

Ушбу ташаббуслар бўйича йил якунига қадар яна кўплаб бунёдкорлик ишларини амалга ошириш режалаштирилган. Вилоят ҳокимлиги ва бир қатор мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда бажарилаётган ишлар ижроси самарали натижа бериши назоратга олинган.

Беҳзод ҚОБУЛОВ,
Тошкент вилояти ҳокимлиги
Ахборот хизмати бошлиғи

Газетхон минбари

БИЛИМ БЕРИШ МУҲИММИ ЁКИ ҚОҒОЗБОЗЛИК?

Ахборот технологияларининг шиддат билан ривожланиши, кишилар онгу тафаккуридаги янгиланишлар ва ҳаёт ритмининг тезлашиши ҳар жабҳада ўз аксини топмоқда. Хусусан, барча соҳадаги ҳужжатлар энди электрон шаклга кўча бошлади. Айниқса, авваллари таълим муассасаларида уюм-уюм қоғозлардан иборат турли маълумот, ҳисобот ва йиғиб бориладиган ҳужжатлар электрон тизимга тўлиқ ўтиб бўлди, дейиш мумкин.



Мактаб ёки университетда фаолият юритувчи устоз-ўқитувчилар "электрон қурилмалар ёрдамга келиб, энди қоғоз тўлдиришдан қутиларканмиз", деб хурсанд бўлишга улгурмай электрон ҳужжатларнинг қоғоз нусхаси ҳам йиғиб борилиши кераклиги айтилди. Агар ўқитувчи бирор гуруҳга раҳбарлик қилса, ўша гуруҳ талабаларининг тарбиявий ишлари ёки маънавий-маърифий доирада ўтказиладиган тадбирлари ҳужжатларини тайёрлаш унинг (фан номзоди ёки фан доктори бўлишининг аҳамияти йўқ) зиммасига юклатилади.

Ана шундай тадбирларнинг айримлари ҳақида тўхталамиз. Булар "Туризм жадал ривожланаётган тармоқ" мавзусида ўттиз дақиқалик ахборот бериш, "Огоҳлик ва ҳушёрлик — давр талаби" мавзусида ўттиз дақиқалик "тушунтириш" ёхуд "Диний бағрикенглик ва толерантлик — халқлар дўстлигининг муҳим пойдевори" мавзусидаги бир соатлик "тадбир"дан иборат.

Талабалар турар жойида "Соғлом турмуш тарзи — фаровон хаёт асоси", "Гиёҳвандликка қарши кураш", "Мафкуравий иммунитет ва ғоявий курашчанлик жамиятимизнинг барқарор тараққиёти гаровидир" каби мавзудаги тушунтириш ишлари ва талабаларнинг фикрлари эшитиладиган тадбирлар ҳам олий ўқув юрти сайтига жойлаштирилиши, расмлар билан баённомалар тайёрлаб қўйилиши керак. Ҳолбуки, талабалар учун бундай "ҳайбаракаллачилик"нинг умуман қизиғи йўқ. Бундан кўра "Таълим тизимида ўқувчи ва ўқитувчи муносабати", "Қайси фан бўйича ўтилаётган дарс сизни қониқтирмайди?" каби саволлар билан ташкил этилган сўровномалар қизиқроқ ва самаралироқ бўларди, деб ишонамиз.

Олий таълим муассасасига ҳар қандай пайтда ташриф буюрувчи Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси комиссиясининг вазифаси ўқитувчилар тайёрлаган ҳужжатларни кўриш ва талабанинг формаси, давомати кабилар билан чекланиб қолмоқда. Комиссия учун талабага берилаётган ва у олаётган билимдан кўра унинг уст-боши қайси рангда экани муҳимроқдай, назаримизда. Ўқитувчилардан эса бир йиллик ҳужжатлар йиғмаси сўралади. Афсуски, илм аҳли доим ҳам бу "қоғоз"ларни жойига қўйишга улгуролмайди. Ахир дарс ўтиши ёки ўз устида ишлаши ҳам керак-ку?! Сифат комиссияси тузган баённомаларнинг бирида унинг санаси май ойи, деб кўрсатилган бўлса-да, лекин суратлардаги тадбир иштирокчилари қишки кийимда ўтиришибди. Бундай кўзбўямачилик кимга керак?!

Бундан ташқари, ўқитувчилардан олий ўқув юртини тугатган талабанинг ишга жойлашгани тўғрисидаги ҳужжатни талаб қилиш нечоғли мантиқли? Университет талабага диплом бергани, уни бир умр кафилликка олди, дегани эмас-ку?!

Юқоридаги каби ўтказилиши ва ҳужжатлаштирилиши керак бўлган танлов ёки тадбирлар намунавий иш режасининг 40 таси билан танишиб чиқдик. Ва бундан ҳайратландик: бу мураббийлар дарс ўтадими ёки тадбирбозлик билан шуғулланадими?

Нафсиламбрини айтганда, "паймонаси тўлмаганни тўлдирамиз" дегани шу бўлса керак! Бу бечора илм ходими ҳам бюрократизмни "бўридай ғажиш"га тайёр бўлса ажаб эмас. Аммо "бир ёмоннинг бир яхшиси бўлади" дегандек, яқинда қоғозбозликнинг яхши, фойдали тарафи ҳам чиқиб қолди. Бу — қоғозбозлик яратган битта бўш иш ўрни. Эндиликда олий таълим муассасаларида шундай ҳужжатларни тайёрлаб берувчи ва уни муассасага қарашли сайтга жойловчи котиба лавозими жорий этилмоқда. Аста-секин барча давлат корхоналарида шундай иш ўринлари пайдо бўлса ажаб эмас!

Қачонгача мана шунақа хужжатларда акс этадиган "билимлар"га ишониб юрамиз? Ўқитувчиларимиз қачон ҳужжат тузиш ва уларни қайта-қайта текширишдан бўшаб, илмий иш билан шуғулланади?

Хулоса қилиб айтганда, таълим соҳасидаги бундай "хўжакўрсин"-га қилинадиган ишларни чеклаш вақти келди. Қилган ва қилмаган ишларимизни мажлисларда бонг уришдан ёки қоғозларда акс эттиришдан кўра амалий натижалар талаб қилишга одатланишимиз керак. Токи, гул унган бўстонда мудом гуллар очилгани, оққан дарё оққани мисол бугунги талабаларимиз ҳам фақат маърифат, илм булоғидан тўлақонли фойдаланиб улуғ аждодларига муносиб ворислар бўлиб камолга етсин. Бунинг натижасида илм билан шуғулланишни, миллий илм-фанимизни ривожлантиришга ҳисса қўшишни истовчи ёшлар сафи янада кенгайсин.

Сўнгсўз ўрнида айтар гапимиз шуки, эҳтимол бир қарашда арзимасдек кўринувчи, аслида долзарб бўлган бундай масалага вазирлик даражасида эътибор қаратилса, ўйлаймизки, бу келгусида олий таълим даргоҳлари илмий салоҳияти янада ошишига хизмат қилган бўлар эди.

Рухсора ИМОМОВА,
Бухоро давлат университети
талабаси

Тарих тилга кирганда...

НУРОТА КОРИЗЛАРИНИ ҚАЙТА ТИКЛАШ МУМКИН(МИ?!)

Аждодларимиз қадим-қадимдан нишабсиз текис ерларда қудуқлар қазиб, сув тортиб экин-текин қилган бўлса, паст-баланд адирлардан иборат тоғ этакларида юзлаб қудуқларни бир-бирига туташтирган дунёда муқобили йўқ ирригация иншооти — кориз воситаси билан ер ости сувларини юзага чиқариб, деҳқончиликда фойдаланганлар.

Ўзбекистонда мана шундай ирригация иншоотларидан кенг фойдаланиладиган туманлардан бири Нуротадир. Бу ерда коризлар қадим замонлардаёк барпо этилган бўлиб, улардан ҳозирги кунгача фойдаланиб келинади. Кориз атамаси форс-тожик тилидаги "қах" — "сомон", "рез" — "тўкмоқ" деган сўзларнинг бирикишидан ҳосил бўлган. Бундай ирригация иншоотини қуриш ниҳоятда оғир ва мураккаб кечган. У машаққатли қўл меҳнати, ер ости сувларининг йил мавсумларида сув сатҳида рўй берадиган ўзгаришлар ва кориз чиқариладиган жой рельефидаги нишабликни жуда аниқ белгилашни талаб этган. Кориз чиқаришда тажрибали мутахассислар даставвал қияликнинг баландроқ еридан ер ости сувигача шахмат усулида бир неча қудуқ қазишган. Қудуқлардаги сув вақтивақти билан белгиланиб турилган. Ер ости сувлари тортилиб, қудуқлардаги сув сатҳи энг пастга тушган пайт, яъни февраль ойида кориз кавлашга киришилган. Иш ер нишабини белгилашдан бошланган. Чунки ер нишабини аниқ ва тўғри белгилаш кориз трассасини ўтказиш ва ер ости сувларининг юзага оқиб чиқишида ҳал қилувчи роль ўйнаган.

Ер нишаблигини белгилашда икки ёки уч киши иштирок этган. Биринчи киши қудуқ тепасида устурлоб ("Астролябия") астрологик асбоби орқали кузатиб турган. Иккинчи киши бўйи қудуқ чуқурлигига тенг узун хода ёки ёғочни олиб, сув чиқариладиган томонда уни тикка ушлаб турган. Ёғочнинг учи қудуқ оғзи билан бир хил горизонтал йўналишда бўлганда, қудуқдаги ер ости суви, ўша нуқта бўйлаб юзага окиб чиққан.

Ер нишабини олишда шокулли тарози ("Ватерпас") асбоби ҳам ишлатилган. Тарози — ватерпас шокули ёрдамида ер сатҳи, нишаби белгиланган. Текширилаётган текислик горизонтал бўлса, у мувозанатни сақлаган, аксинча бўлса шокулнинг бир томони оғиб кетган. Ушбу оғишган томонда ип учини ёғоч ходадан пастга туширириб, шокулни тарозининг тилига келтириш билан ернинг қанчалик қиялиги аниқланган. Шу тариқа бутун кориз трассаси белгилаб чиқилган. Демак, ер ости сув иншоотлари — коризлар қазишда устурлоб ("Астролябия") ва шокулли тарози ("Ватерпас") каби махсус асбоблардан фойдаланилган. Бу асбоблар ёрдамида ер сатҳидаги нишабликнинг аниқ ҳисоби олинган. Бу маълумотлар ўлкашунос Р.Аҳмедов томонидан ўрганилган.

Кориз трассаси аниқлангач, трасса бўйлаб ҳар 10 метрда қатор қудуқлар ковланган. Ер ости сувларининг тўпланган қатламига қараб сув чиқадиган бош қудуқларнинг чуқурлиги 18-20 метр, баъзан ундан ҳам ошиқроқ бўлган. Қудуқлар туннель орқали бир-бирига туташтирилган. Бош қудуқлардан йиғилган ер ости сувлари мана шу туннель орқали юзага оқиб чиққан. Туннель "лаҳм" деб аталган. Унинг баландлиги 1,25 - 1,50 метр, эни 1 метр бўлиб, узунлиги жой нишабига қараб бир неча километрга чўзилган. Масалан, Нуротадаги "Мастон" деб аталган коризнинг 280 та қудуғи бўлиб, бош қудуқнинг чуқурлиги 14 метр ва лаҳмнинг узунлиги 3 километрга тенг бўлган. Коризнинг қудуқлар орасидаги устки қисми "пушта" деб аталган.

Кориз ковлашда бир қанча коризчи жамоалар ойлаб, ҳатто йиллаб лаҳм ҳамда қудуқлар қазиб, минглаб кубометр тупроқ ва шағалларни қазиб чиқаришган. Масалан, узунлиги 3 километр бўлган 250-300 қудуқдан иборат ўрта ҳажмдаги кориздан тахминан 7-8 минг кубометр тупроқ қазиб чиқарилган.

1950-60 йилларда деҳқончилик қилган Муҳаммад Ҳакимов, Бақобой бобо Қодиров, Узоқ бобо Назаровнинг айтишларича, тумандаги мавжуд бўлган коризларнинг бири Искандар Зулқарнайн номи билан боғланган. Яъни, Нуротадаги коризлардан бири "Зулмкориз" деб аталади. Ривоят қилинишича, бу коризни Искандар зулм билан қаздирган ва ер ости сувларини ер устига чиқаришдаги меҳнат жараёни ниҳоятда оғир кечган.

Коризлардан бир меъёрда сув оқиб туриши учун улар ҳар йили тозаланиб турилган, таъмир этилган. Кориз тозалаш энг машаққатли ва оғир ишлардан ҳисобланади. Чунки деҳқонлар ҳар йили эрта баҳорда 20-30 кун коризнинг туннели ичида сув кечиб, лаҳм ва қудуқлар ичига чўккан лойқаларни қазиб чиқарганлар. Кўпинча коризнинг пуштаси чўкиб, лаҳмнинг каттагина қисмини босиб қолган. Бундай ҳолларда лаҳмнинг босиб қолган қисми қайта қазилиб, ўпирилган жойларига ёғоч ёки тошлар қўйилиб мустаҳкамланган. Қолаверса, боболаримиз кориз суви тўғри ва равон оқаётганлигини, сув миқдорини текшириш мақсадида биринчи қудуққа сомон ташлаб, тўкилган сомоннинг охирги қудуқдан чиқишини кузатганлар.

Ҳа, коризлар кўҳна Шарқнинг қадимий гидротехника иншооти саналиб, ота-боболаримиз деҳқончилик санъатининг ноёб намунаси ҳисобланган. Ўтмишда бобо деҳқон аждодларимизнинг ер ости сувларини моҳирлик билан ер юзасига олиб чиққанлигининг ўзи ҳайратланарли.

Ўзбекистоннинг тоғолди туманларида қадимги замонлардан то ҳозирги кунгача коризлардан фойдаланиб келинмокда. Нуротанинг қадимги коризларидан жуда кўпи кўмилиб кетган бўлса ҳам, ҳозирги вақтда фақат "Калтакориз"да қишин-ёзин сув оқиб туради. Ҳар бир коризнинг ўз номи бўлган. Улар "Товбой", "Қайнар", "Бошкориз", "Мазор", "Қувондиқ", "Қўнчи", "ал-Бухорий" (Алпухори), "Сатилгон", "Мири", "Ялоқ", "Тайлоқ", "Султон", "Мастон", "Мастак", "Комбой", "Зулфиқор", "Калтакориз" деб аталган. Уларнинг номи йиллар ўтиши мобайнида ўзгарган бўлиши ҳам мумкин.

Шунингдек, Нуротадаги "Тошлоқ", "Гажобод", "Савробод", "Қизил канда", "Сатторобод", "Тошқудуқ", "Хайробод", "Ёмон туркман", "Қум кориз", "Зулмкориз", "Дангал кориз", "Коризи Калон", "Жанжолобод", "Нуробод", "Сахти", "Шеробод", "Гўробод", "Кулол" каби коризлари мавжуд. Нурота коризларининг ҳар биридан ўрта ҳисобда 40-50 гектаргача ер майдонини суғориш мумкин бўлган. Уларнинг аксарияти охирги марта XVI-XVIII асрларда қурилган бўлиб, ҳатто айримларининг номидан қазилган тарихи — йили чиқади. Масалан, "Зулмкориз"ининг номидаги ҳарфларнинг йиғиндисидан 970, "Зулфиқор" коризи номидаги ҳарфлардан эса 1118 рақамлари келиб чиқади. Ҳижрий йил ҳисобида олинган бу рақамлар милодий йилда "Зулмкориз"и 1533-1534 йилларда, "Зулфиқор" коризи эса 1706-1707 йилларда қурилганлиги маълум бўлади. Шуниси характерлики, ҳозирги вақтда охирги марта қазилган кўпгина коризларнинг ёнида, уларга параллел равишда баъзан икки, баъзан уч қатор кўмилиб, суви қуриб қолган кўҳна коризларнинг ўзанлари жойлашган. Бу қуруқ ўзанлар Нурота коризларининг асрлар давомида бир неча бор ишдан чиқиб, қайта тикланганлигини намоён этади.

Кориз ковлаш, шунингдек, коризни тартибли сақлаш учун уни таъмир этишда бажариладиган қўл меҳнатининг ниҳоятда оғирлиги туфайли деҳконлар бундай ер ости иншооти билан боғлик бўлган барча ишларни жамоа-жамоа бўлиб, биргаликда амалга оширганлар. Кориздан оқиб чиқадиган сув миқдори айтарлик кўп бўлмаган. Шунинг учун ҳам ҳар бир жамоадаги кориз сувидан фойдаланувчи деҳқонларнинг сони қатъий белгиланган. Масалан, кичикроқ коризларда кориздор жамоа 24, каттароқ коризларда эса 36 кишидан ошмаган. Ҳар бир кориз 24 ёки 36 деҳқондан иборат жамоанинг кучи ёки маблағига қурилгани учун, у шу жамоанинг мулки ҳисобланган. Шунга асосан кориздан фойдаланишда бу жамоа аъзолари тенг ҳуқуқли бўлиб, сув ҳам, ундан суғориладиган ер майдони ҳам улар ўртасида тенг тақсимланган.

Кориз суви билан деҳқончилик қилишда ҳар бир кориздор жамоа 10 ёки 12та майда гуруҳларга бўлинган. Ҳар бир гуруҳ майда коризларда икки деҳқондан ва катта коризларда уч деҳқондан иборат бўлган (нуроталиклар бундай гуруҳларни "ҳамбоз" яъни "шерик" деб атаган). Ҳар йили баҳорда ҳамбозлар ўртасида чек ташлаш йўли билан тахталар тақсимланиб суғориш навбати белгиланган. Навбат эса ҳафтада бир марта айланган.

Ўлкашунос Р.Аҳмедов кориз суви наслдан наслга мерос тарзида ўтиши туфайли ҳар бир деҳқон ўз сувини сотиш ҳуқуқига эга бўлганини қайд этади. Коризнинг суви ниҳоятда қимматбахо бўлиб, унинг ҳар қораси ботмон ғалла ёки бир бош қўй ҳисобида сотилган. Нуротанинг кекса соҳибкор деҳқонларидан Ҳамро бобо Хўжаевнинг айтишича "Мастон" коризининг бир қора суви 20-25 бош қўй баҳосида бўлган. Сувнинг ниҳоятда танқислиги ва қимматлигидан Нуротадан кимда-ким сув сотиб олса ёки отаси вафот этиб, отасининг сувига эга бўлса, кориздан сув ичадиган барча деҳқонни чақириб катта зиёфат берган ва арбоб ҳамда оқсоқолларга тўн кийдирган. Сув сотиб олинганидан сўнг бериладиган зиёфат "ниммарди", отасининг вафотидан сўнг унинг ҳақобасига (отасига тегишли сувга) эга бўлган ўғил томонидан қилиб бериладиган зиёфат эса "падари мурд" деб аталган. "Ниммарди" ва "падари мурд" каби зиёфатлардан сўнг кориздор жамоага кабул қилинган кишилар — ҳамбозлар қаторидан жой олган.

Нурота коризлари ҳозирги кунда ташландиқ ҳолга келиб қолган. Фақат "Калтакориз"дан сув шариллаб оқиб туради. Ҳозир ҳам коризларни тозалаб сув чиқарса бўлади, аммо бу иш ниҳоятда оғир меҳнатни талаб этади.

Хулоса ўрнида айтганда, халқимиз сувдан фойдаланиш борасида бой маданиятга эга. Сўнгги йилларда аҳоли сонининг ўсиб бориши ичимлик сувига юқори талабни, ундан оқилона фойдаланиш заруратини, шунингдек, республиканинг сув ресурслари чекланган шароитда замонавий тежамкор технологияларни жорий этиш янада долзарб аҳамият касб этишини унутмасак бўлгани.

Дилафрўз МУСТАФОЕВА,
Навоий вилоят тарихи ва маданияти давлат музейи ходими

Янги зиё маскани

Наманган туманидаги Шўрқўрғон қишлоғини одамлар "Шеърқўрғон", "шоирлар қишлоғи" ёки "Зўрқўрғон" деб ҳам аташади. Ўктам Мирзо, Санобар Бобоназарова, Тўхтахон Раҳимова, Ўктамой Холдорова, Дилором Сотиболдиева, Носиржон Жўраев каби таниқли ижодкорлар, футболчи Одилбек Ҳамробеков сингари машҳур спортчилар ана шу қишлоқдан чиққан. Бугун қишлоқнинг ана шундай ифтихорлари қаторидан энди маърифатпарвар тадбиркорлар ҳам ўрин олмоқда.

ШЎРҚЎРҒОН ҚИШЛОҒИДА ИЛК "ХАЛҚ КУТУБХОНАСИ" ИШ БОШЛАДИ

Давлатимиз раҳбари шу йилнинг 28 февраль-1 март кунлари Наманган вилоятига ташрифи чоғида "Наманганни энг китобхон вилоятга айлантирамиз!", деган ташаббусни илгари сурган эди. Шундан сўнг Наманганга Тошкентдан 1 миллионта китоб келтирилди. Шаҳар ва туман ҳокимлари, турли ташкилотларнинг катта-кичик раҳбарлари, депутатлар, зиёлилар ўзлари ўқиган мактабларга китоблар совға қилишни анъанага айлантирди. Қолаверса, давлатимиз раҳбарининг ижтимоий-маънавий муҳитни барқарорлаштириш, ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил қилиш борасида илгари сурган 5 та муҳим ташаббусининг тўртинчиси ҳам айнан китобхонлик маданиятини ошириш, мутолаани кучайтириш билан боғлиқ. Бу борада вилоятда амалга оширилаётган ишлар салмоғи ортиб, ҳатто ўзаро беллашув тусини олди. Ҳаттоки, қишлоқлар, чекка-чекка маҳаллалардаги хонадонларга меҳмонга борилса, "қуруқ қўл билан", яъни китобсиз кириб бориш уят саналадиган бўлди.

Наманган туманидаги Шўрқўрғон қишлоғида "Халқ кутубхонаси"нинг фойдаланишга топширилганини эса ана шу эзгу ишларнинг мантиқий давоми дейиш мумкин. Аҳамиятлиси, мазкур эзгу ташаббус зиёли инсонлар, тадбиркорларнинг ўзаро ҳашари билан йўлга қўйилди, уни қўллаб-қувватлаган қишлоқ аҳли ҳам янги бинони китоблар билан тўлдиришга ҳисса қўшди. Ҳозирда кутубхона фондида 50 миллион сўмлик 2 мингдан ортиқ турли адабиёт мавжуд.

Мазкур "Халқ кутубхонаси"нинг очилиш маросимида қатнашган ижодкорлар, журналистлар, туман ҳокимлиги вакиллари, сектор раҳбарлари "Обод қишлоқ" дастури доирасида Шўрқўрғонда бажарилаётган бунёдкорлик саъй-ҳаракатларига, тобора чирой очаётган гўша манзараларига ҳам гувоҳ бўлишди.

Наманган вилояти ҳокимининг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Фахриддин Маткаримов таъкидлаганидек, китоб нафақат зиё масканларини ёритувчи нур, балки инсонларни камолот сари етакловчи муҳим маънавий хазина ҳамдир. У инсонга маънавий озуқа берибгина қолмай, унинг тафаккурини ҳам бойитади, келажакка аниқ мақсадлар билан одимлашда мустаҳкам пиллапоя вазифасини бажаради. Китоб совға қилиш урфга, эзгулик рамзига айлангани боис ҳам вилоят ҳокимлиги ички имкониятлар ҳисобидан Шўрқўрғондаги мазкур кутубхонага яна минг дона китоб ажратадиган бўлди.

Пойтахтдан келган ёзувчи, "Шарқ" нашриёти-матбаа аксиядорлик компанияси Бош таҳририяти бўлим муҳаррири Эркин Малик "Шайх ҳазратлари ҳақида хотира китоби", "Дуо олган келинчак", "Ижобат бўлган дуо" каби китобларини кутубхонага тақдим этди.

Таниқли шоирлар Зиёвиддин Мансур, Дилбар Бону янги ижод намуналаридан ўқиб берди. Шу қишлоқлик шоира, Ўзбекистон халқ ўқитувчиси Санобар Бобоназарова ўқиган ғазаллар йиғилганларга манзур бўлди.

— Юртимизнинг қай гўшасида қурилиш ишлари бўлаётган бўлса, ўша иншоотлар қуриш режасида, албатта, кутубхона ёки китоб дўкони бўлиши белгиланган. Бу бизни қувонтирадиган, фарзандларимиз камоли учун ўйланган пухта режадир, — дейди кутубхона ташкилотчиларидан бири Зайниддин Бурҳонов. — Чунки халқимиз азал-азалдан китобни севган, қадрлаган. Шу маънода қишлоғимизда "Халқ кутубхонаси"нинг ташкил этилгани айни муддао бўлди. Бу ерда фаолият юритаётган 2 нафар ходим кутубхонадан фойдаланиш қоидаларини аҳолига тушунтириш билан бирга китобхонларнинг ёши ва дунёқарашига мос китоб танлашида кўмакдош бўлаётир. Шу ўринда қайд этиш жоиз, ҳамқишлоқларимиз кутубхонадан бепул ва эркин тарзда фойдаланади. Ўқувчилар қулай электрон дастур асосида аъзолик рўйхатига тезда олинади ва китоб ҳажмига қараб белгиланган муддатда, эҳтиётлаган ҳолда қайтариши керак бўлади. Электрон усулда танишмоқчи бўлганлар учун Telegram мессенжерида канал ташкил этилган. У ерда нашрлар ҳақида маълумотлар, янгиликлар, бадиий асарларнинг электрон шаклини жойлаб бормоқдамиз.

Тадбир доирасида Шўрқўрғон қишлоғидаги 8-умумтаълим мактабида таниқли ёзувчи Эркин Малик билан ижодий учрашув уюштирилди. Мулоқотда китоб мутолааси, ёшларнинг китобхонлик маданиятини юксалтириш ва дунёқарашини кенгайтириш юзасидан атрофлича фикр алмашилди. Ёшларнинг бу борадаги фикр-мулоҳазалари эшитилди.

Орифжон ЖЎРАЕВ,
журналист

ММММда

Миллий матбуот марказида Президентимизнинг шу йил 14 майда қабул қилинган "Олий таълим муассасаларига тест синовлари орқали қабул қилиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги, Вазирлар Маҳкамасининг 13 майдаги "Олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишда миллий ҳамда халқаро баҳолаш тизими сертификатларини татбиқ қилиш тўғрисида"ги қарорлари юзасидан матбуот анжумани ўтказилди. Мазкур қарорларда олий таълим муассасаларига ўтказиладиган қабул тест синовлари жараёнида абитуриентлар учун бир қанча имтиёз ва имкониятлар ўз аксини топган.

АБИТУРИЕНТЛАР УЧУН БУ ЙИЛ ҚАНДАЙ ИМТИЁЗЛАР БОР?

Давлат тест маркази мутасаддилари қарорнинг мазмун-моҳиятини тушунтириб, мазкур тизимда кутилаётган ўзгаришлар ҳақида маълумот берди.

Айтилишича, қарорга мувофиқ абитуриентлар бир қанча имтиёз ҳуқуқларга эга. Жумладан, 2019/2020 ўқув йили қабулидан бошлаб абитуриентлар таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича Давлат хизматлари марказлари ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали мурожаат қилишлари мумкин. Шунингдек, абитуриент бир вақтнинг ўзида олий таълим муассасасига ўқишга киришда фанлар мажмуаси кетма-кетлиги бир хил бўлган жами учта бакалавриат таълим йўналишида иштирок этади. Учтагача таълим йўналишини танлашда тест синови топшириладиган фанлар мажмуасининг мослиги эътиборга олинади. Бунда абитуриент томонидан таълим йўналишларига устуворлик белгиланиши кўзда тутилган.

— Чет тилини билиш даражаси бўйича тегишли сертификатга эга абитуриентлар давлат томонидан қўллаб-қувватланади, — дейди Давлат тест маркази бошқарма бошлиғи Диёрбек Қўчқоров. — Бунда шу ўқув йилидан бошлаб олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишда миллий ҳамда халқаро баҳолаш тизимлари сертификатларидан тўлиқ фойдаланилади. Миллий ёки халқаро сертификатлар асосида кириш тест синовларига иштирок этмай тегишли чет тили фанидан максимал баллга эга бўлиш мумкин. Бундан ташқари, чет тилини билиш даражаси бўйича сертификатга эга абитуриентлар сертификатларнинг амал қилиш муддати давомида тест синовлари жараёнларида тегишли имтиёзлардан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлади. Бу каби қатор имтиёз ва имкониятлар абитуриентнинг талаба бўлиш имкониятини оширишга хизмат қилади.

Анжуманда таъкидланганидек, жорий ўқув йилидан бошлаб абитуриентга ўзи рўйхатдан ўтган, аниқроғи, доимий истиқомат қиладиган жойида ёки бошқа қулай деб билган ҳудудда тест синовида иштирок этиши ҳам назарда тутилган. Бу каби имконият уларга ортиқча вақт, маблағ сарфланиши, оворагарчиликнинг олдини олади.

Анжуманда шу йилда мактаб, лицей ва коллежни якунлаган битирувчилар учун тест синовлари бепул, ҳеч қандай тўловларсиз ўтказилиши, ўтган ва олдинги йилларда талабаликка қабул қилинмаган абитуриентлар эса энг кам ойлик иш ҳақининг ярим баравари миқдорида (101 минг 365 сўм) пул тўлашлари ҳақида маълумот берилди. Журналистлар саволларига жавоб қайтарилди.

Нигора НИШОНБОЕВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

MILLIY TIKLANISH
21 (1019) 2019 йил 29 май, чоршанба

Хиёбон

“ТИНИМСИЗ МЕҲНАТ, МАСЪУЛИЯТ ҲИССИ ВА ВИЖДОН АМРИ — ҲАЁТДА БАХТИЁР ЯШАШ ШАРТИ”

< Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Тошкент давлат юридик университети профессори, юридик фанлари доктори, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист **Замира Эсонова** билан “Хиёбон”да долзарб мавзу — аҳолининг ҳуқуқий саводхонлиги ва маданиятини ошириш, ҳуқуқ-мажбуриятларини англаб етишида ҳамда бугунги глобаллашув жараёнида ёшларнинг ахборотга бўлган эҳтиёжини аждодлардан мерос умуминсоний ғояларга тўйинган, мағзи тўқ маълумотлар билан қондиришда устозларнинг тутган ўрни, олимлик рутбаси-ю, илм-фаннинг аҳамияти сингари мавзуларда суҳбатлашдик.

— Замира Нормуродовна, бугун мамлакатимизда қонун устуворлиги, фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, инсонпарварлик, адолатлилик ва айбсизлик презумпцияси каби конституциявий принципларни таъминлаш борасида изчил ишлар амалга оширилаётгани мавжуд қонунчиликни ҳам қайта кўриб чиқишни тақозо этмоқда. Зеро, мамлакатни ривожлантиришнинг замонавий талабларидан бири — бу жаҳон стандартларига мос талаб-таклифлар, янгиликларни ҳаётимизга татбиқ қилишдан иборатдир...

— Дарҳақиқат, мамлакатимизда барча соҳада шиддатли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Конституция ва қонунларида қонун устуворлиги, фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, инсонпарварлик, адолатлилик ва айбсизлик презумпцияси каби принципларни жо этган ва амалиётга татбиқ этаётган давлатнинг халқи тинч ва осойишта, даромади мўл-кўл, фаолияти самарали ва натижали бўлиши табиий. Жаҳон стандартлари эса ҳар бир жисмоний ва юридик шахсдан давлат ва жамият ҳаётида, ишлаб чиқариш ва ёнки барча фаолият турига инновацион ёндашувни талаб этади. Инновацион ёндашув учун билим, қобилият, маҳорат, яратувчанлик, тадбирли бўлишлик, ўз устида тинимсиз меҳнат қилиш зарур.

Давлат ва ҳукумат идораларининг аҳолига давлат хизматларини кўрсатиш даражасини янада ошириш, аҳолига давлат хизматлари кўрсатиш миллий тизимини сифат жиҳатидан янги даражага ўтишини таъминлаш, шунингдек, идораларо электрон ҳамкорликни ривожлантириш, энг муҳими, аҳолига барча соҳада қулайликлар яратиш мақсадида Адлия вазирлиги ҳузурида Давлат хизматлари агентлиги ташкил этилди. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 декабрдаги “Аҳолига давлат хизматлари кўрсатишнинг миллий тизимини тубдан ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” фармони ва “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” қарори қабул қилинди. Ҳуқуқий соҳада бир қатор Кодекслар янги таҳрирда, бир қанча янги қонунлар қабул қилинди, амалдаги қонунлар такомиллаштирилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекс, Иқтисодий процессуал кодекс, Фуқаролик процессуал кодекси шулар жумласидандир. Айни пайтда Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик, Солиқ, Жиноят, Жиноят процессуал кодексларининг янги таҳрирдаги лойиҳалари тайёрланмоқда.

— Ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш, қонун устуворлигини таъминлаш жамиятда ҳуқуқий онг ва маданиятни юксалтириб боришни тақозо этади. Ҳуқуқларини билган киши нафақат унинг таъминланиши учун курашади, балки ён-атрофда бўлаётган воқеа-ҳодисаларга ҳам онгли муносабатда бўлади. Шундай эмасми?

— Мамлакатимизда бу йўналишда Президентимизнинг шу йил 9 январда “Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги фармони, унга мувофиқ эса Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш концепцияси қабул қилинди. Унда аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтиришга, жамиятда фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлиги даражасини оширишга алоҳида аҳамият берилган ва бу концепциянинг асосий йўналиши этиб белгиланган. Ҳар бир фуқаро ўзининг ҳуқуқи ва мажбуриятларини билиши зарур. Бу жараённи оддий фуқаро сифатида кузатиб, аҳолига ҳуқуқий ёрдам кўрсатишда, уларнинг мурожаатларини ҳал қилишда суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, хусусан, адлия органлари тузилмалари, давлат хизматлари агентликлари самарали фаолият юритаяпти, деб айта олиш мумкин. Аммо ер, кадастр билан боғлиқ муносабатлар тезкорлиги ва шаффофлиги ҳали ҳануз оқсаяпти.

Ёки айтайлик, айрим фуқаролар ҳуқуқларини яхши билиб, уни ҳимоя қилади. Аммо мажбуриятларини унутиб, уларни бажариш ҳақида ўйлаб ҳам кўрмайди. Аслида эса ҳар бир инсон энг аввало, Ватан, жамият, оила олдидаги бурч ва мажбуриятини англаб етиши зарур. Ҳеч бўлмаганда, тўлов интизомини, кўча қоидалари (street law) ни, муомала маданиятини, оила мажбуриятларини билиши шарт.

Айни пайтда аҳолининг ҳуқуқий онгини ошириш, уларга қабул қилинаётган қонунлар мазмун-моҳиятини етказишда Тошкент давлат юридик университети профессорлари ҳам Адлия вазирлиги билан ҳамкорликда вилоятларда бўлиб учрашув ва мулоқотлар ташкил этмоқда. Пойтахтимиздаги ўрта мактабларда ўқувчи-ёшлар билан учрашувлар мунтазамлик касб этмоқда, уларга китоблар совға қилиниб, маҳорат дарслари ўтиляпти. Демоқчиманки, аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданияти қанчалик юксалса, улар ўртасида ҳуқуқбузарлик, жиноятлар ўз-ўзидан камайиб боради, юзага келаётган фуқаролик, иқтисодий, маъмурий низолар судга қадар бартараф этилади, суд ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш босқичида юзага келаётган кўнгилсизликлар, тўлов интизомини бузиш ҳаракатлари ва ҳолатлари камаяди.

— Ёш авлодга пухта билим бериш, уларнинг ижодий-интеллектуал салоҳиятини юзага чиқаришга яқиндан кўмаклашиш, ўқитиш тизимининг барча бўғинини давр талабига мос тарзда такомиллаштириш юзасидан катта ҳажмдаги ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Ҳуқуқшунос, қолаверса, таълим соҳасининг вакили сифатида бунинг самарасини нималарда кўрасиз?

— Таълим соҳаси фидойиликни талаб этади. Буюк аллома Абу Наср Форобий “Таълим-тарбиянинг бирдан бир вазифаси киши яшаб турган жамиятнинг талабларига тўла-тўкис жавоб бера оладиган ва жамиятни бир бутунликда тинчлик ва фаровонликда сақлаб туриш учун хизмат қиладиган мукаммал инсонни етиштиришдадир”, деганида нақадар ҳақ эди.

Президентимиз парламентга Мурожаатномасида таълим соҳасига алоҳида эътибор қаратиб, унда, жумладан, болаларни мактабгача таълим билан қамраб олиш даражаси ошаётганлиги, бу соҳада давлат-хусусий шериклик имкониятларидан кенг фойдаланиш, ёшларимизга бир вақтнинг ўзида бир нечта олий ўқув юртига ҳужжат топшириш имконияти берилиши, олий таълим муассасаларига реал имкониятлардан келиб чиққан ҳолда қабул квоталарини мустақил белгилаш тизимини жорий этиш, олий таълим муассасаларида илмий салоҳиятни янада ошириш, илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш қўламини кенгайтириш борасида бежиз сўз юритмади. Ҳозирда республикамизнинг олий таълим муассасалари дунёнинг етакчи таълим муассасалари билан ҳамкорликни йўлга қўймоқда, ўқув жараёнига илғор хорижий технологиялар жалб этилиб, стажировка ва малака ошириш тизимида хорижий амалиёт қўл келаётир.

Таълим соҳасидаги ислоҳотлар самарасини энг биринчи, болаларнинг ўқишга қизиқиши чин маънода ортганлигида, хорижий тилларни ўрганиш учун астойдил ҳаракат қилишида, ҳунарли бўлишга интилишида, ота-оналарнинг келажакка ишонч билан болалари таълими учун инвестиция киритишида, ёшларимизни нуфузли хорижий таълим муассасаларида ўқишни давом эттириш имкониятларида ва бошқа кўплаб янгиликларда яққол кўриш мумкин.

Шу ўринда Абдулла Авлонийнинг “Илм инсонларнинг мадори, ҳаёти, раҳбари, нажотидир. Илм ўрганмоқ, олим бўлмоқ учун мактабга кирмоқ, муаллимдан таълим олмоқ лозим” деган сўзлари ҳаётда доимо ўз исботини топиб келганини таъкидлаш жоиз. Илм олиш орқали инсон табиат ва жамият қонуниятлари ичига чуқурроқ кириб боради, катта авлоднинг тажрибасини теран англайди, жаҳон илм-фани ва техникаси янгиликларидан бохабар бўлади, камол топади. Табиийки, илм фақат меҳнат орқали вужудга келади ва рўёбга чиқади.

— Эйнштейннинг бир гапи бор: “Ҳар бир инсон даҳодир, бироқ балиқни дарахтга чиқа олмагани учун аҳмоқ десангиз, у ўзини бутун умр аҳмоқ деб ўйлаб яшаб ўтади”. Сабоқ бериш жараёнида эътибор қаратадиган жиҳатлар ва, умуман, ҳар бир талабанинг индивидуал хусусиятларини инобатга олган ҳолда сиз бу борада амал қиладиган тамойиллар нимадан иборат?

— Мамлакатимизда илм-фанни ривожлантириш, тадқиқотларни ишлаб чиқариш билан интеграция қилиш, илмий фаолият натижадорлигини ошириш, иқтидорли талабаларнинг илмий изланишлар олиб бориши учун зарур шарт-шароитлар яратилган. Энг асосийси, таълим жараёнига инновацион технологияларни жорий этиш, ўқув дастурларининг ишлаб чиқариш билан ҳамоҳанглигини таъминлаш ва профессор-ўқитувчилар малакасини ошириш ишларига янгича ёндашув кузатилмоқда.

Талабаларнинг фанга бўлган қизиқишини ошириш, фанни ўзлаштиришда семинар (амалий машғулот)ларнинг ўрни беқиёс. Айнан шу мақсадда шахсга йўналтирилган таълим технологияларининг мазмуни, йўналишларини белгилаб олиш, таълим олувчиларнинг билиш фаоллигини ошириш ва мустақил таълимини ташкил этиш асосидаги инновацион таълим технологиялари: амалий ўйинлар, муаммоли ўқитиш, интерфаол таълим, модулли-кредит тизими, аралаш ўқитиш (blended learning), кейс стади (case study), ўқув суд процесси, масофали ўқитиш, маҳорат дарслари, вебинар технологиялари, ассесмент методларидан ўқув-тарбия жараёнида фойдаланиш, ўқув лойиҳаларини ишлаб чиқиш, портфолиоларни шакллантириш ва амалиётга татбиқ этиш асосий вазифалардан бири саналади.

Юриспруденция йўналишида процессуал ҳуқуқий фанларни ўқитиш, семинар (амалий машғулот)ларни ўтказишда янги педагогик инновацион технологияларни қўллаш бўйича тегишли кўрсатма ва тавсиялар ишлаб чиқилган. Дастур бўйича педагогик технологияларни ҳар бир мавзунинг ўзига хос хусусиятларини эътиборга олган ҳолда жорий этиш, мавзуларнинг комплекс ўқитиш методологиясини шакллантириш, умумий педагогик технологияларни айнан юриспруденция йўналишидаги фанларни ўқитиш жараёнига татбиқ этиш ва шу орқали юриспруденция фанларини ўқитиш методологияси мажмуини яратиш долзарб аҳамият касб этади.

Биз ўтган йиллар мобайнида ўқитувчи бошқарадиган дарс (анъанавий ўқитиш) ва уларнинг усулларидан фойдаландик. Энди эса ўқитишнинг ноанъанавий усуллари (ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги дарс)дан фойдаланаяпмиз. Бундай дарс ўтиш усуллари нафақат ўқитувчи фаоллигини, унинг ўз устида ишлашини, ҳар бир дарсга тайёр ҳолда келишини, балки ўқувчини ҳам мустақил тайёрланган ҳолда мавзуни тез ва осон ўзлаштиришини, дунёқарашини кенгайтириб боришини, қисқа муддатда, осон усуллар ёрдамида муайян натижага эришишини талаб этади.

Қисқаси, элнинг боласига сабоқ бериш ҳам қийин, ҳам шарафли иш. Ўқитувчи билимли ва фидойи бўлиши шарт, назаримда, аудиторияни эполомаган, бошқаролмаган ўқитувчи бу вазифадан кетиши лозим. Чунки ўқитувчилик маҳорати нафақат билим беришда, балки талабаларни тарбиялашда, уларни ўз ортидан эргаштира олишда, фанга қизиқтиришда намоён бўлади. Бир сўз билан айтганда, меҳр, ишонч, қаттиққўллик ва талабчанлик ёнма-ён юриши керак.

— Ҳар бир инсон ҳаётида оила муҳим ўрин тутади. Ҳам жамиятнинг фаол аъзоси, ҳам мукаммал оила бекаси бўлиш... Қолаверса, фарзанд тарбиясида ўзингиз учун муҳим деб билган қандайдир қатъий қоидалар борми?

— Тўғри, оила ҳар бир инсон ҳаётида муҳим ўрин тутади. Очиғи, ҳали ҳам ўзимни жамиятнинг фаол аъзоси деб ҳисоблаганимча йўқ. Албатта, илмий даража ва унвонларга лойиқ деб топган устозларим, университет жамоаси олдида масъулиятим кўп. Қандай вазифа, топшириқ берилса қўлимдан келганча астойдил бажаришга ҳаракат қиламан. Энг муҳими, менга бўлган ва билдирилган ишончни оқлашим керак, деб ҳисоблайман.

Лекин ҳам давлат хизмати, ҳам оилани “дўндириб” қўйдим деб айта олмайман. Ҳаётимга ва фаолиятимга онам кўзи ва сўзи билан таъриф берсак, кўп нарсанинг уддасидан чиқмаганим рост. Ўзим катта оилада туғилиб ўсганман, турмуш ўртоғим (курсдош дўстим) билан бир фарзандни тарбиялаб-ўстирдик. Агар илмда муайян натижаларга эришган бўлсам, ота-онам маслаҳати, устозларим кўмаги, оилам яратган шароит ва имкониятлар орқали деб ҳисоблайман. Айтайлик, диссертация ёзиш жараёнида ўғлим уй ишларида ёрдам берди, кези келганда юмушлардан озод қилди. Хуллас, оиламнинг қўллаб-қувватлаши, далдаси билан илмий ишни охиригача етказдим.

Саволингизнинг иккинчи қисмига келсак, оила қанчалик тартибли, яхши хулқ-атворли бўлса, бола тарбияси ҳам шунча самарали бўлади. Тарбия боланинг ҳаётида, унинг келгуси камолотида муҳим рол ўйнайди. “Бола тарбияси” деганда боланинг дунёқараши, хулқ-атворини шакллантириш, унинг маънавий ва жисмоний камолоти тушунилади.

Фарзанд тарбиясида маълум “китобий”, яъни расмий талабларни қўлламаганман. Фақат турмуш ўртоғимга фарзандимиз олдида ҳар жиҳатдан намуна бўлишимиз кераклигини кўп таъкидлайман. Бундан ташқари, бобо-бувининг тарбияси, уларнинг ўгити ва маслаҳатлари жуда қўл келган. Бола тарбиясида тушунтириш, тушуниш, ўрнак бўлиш, кези келганда уялтириш, танбеҳ бериш ҳам керакли усуллардан саналади. Болани керакли машғулот билан банд қилиш, унга касб-ҳунар ўргатиш ҳам шарт. Албатта, уй ишларини ўғил бола ҳам, қиз бола ҳам бирдай бажариши керак, деб ҳисоблайман. Ўзим қишлоқда катта бўлганман. Кези келганда сигир соғдим, пахта тердим, ер ҳам чопдим. Лекин Бекобод туманидаги 31-ўрта мактабни олтин медалга битирганман. У пайтлар қўшимча дарс, репетитор хизматидан фойдаланиш деган нарсалар бизга ёт бўлган. Оддий, содда, аммо педагогик маҳорати кучли устозлардан олган билим бир умрга асқотяпти.

Бу билан нима демоқчиман? Хулоса шуки, меҳнат ва билим ҳамиша ҳамоҳанг бўлса, самарали натижага эришилади. Ота-она кези келганда меҳрли, кези келганда қаҳрли (қаттиққўл) бўлиши табиий ҳолат. Ўзим шу кунгача, ҳануз ота-онамдан яхши маънодаа “қўрқаман”. Тарбияда адашмаган ота-она энг бахтли ота-она саналади. Тарбияда оналарнинг роли жуда муҳим, у нафақат ўзи учун, балки эл-юрт учун ҳам комил фарзанд етиштириши шарт.

— Ишдан бўш вақтингизда мутолаа ҳам қилиб турасизми?

— Илм-фан, технология юксак даражада ривожланган давлатларда одамлар китоб мутолаасига меҳр билан яшайди. Дарҳақиқат, ўқимаган одам ҳаётда орқада қолади, аниқроғи, тараққиёт тезлашган замонда кучли рақобатга дош беролмайди. Китоб инсоннинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширувчи, маънавиятли ва интеллектуал салоҳиятли авлодни камолга етказувчи, уларнинг қалбида Ватанга садоқат, миллий, умуминсоний ғояларга ҳурмат-эҳтиром туйғуларини кучайтирувчи беқиёс воситадир.

Уйда бўш вақтимда, асосан, тунда бадиий китоб ўқийман. Яъни бир хил ҳаёт тарзи, юридик китоблардан зериккан пайтда бадиий китоб мутолааси кўнглимга таскин беради. Китоб ўқиш чарчоқни олади ва кишига тетиклик бахш этади, хатолардан хулоса чиқаришга, ютуқлардан эсанкирамасдан, танқид ва таҳлил билан келажакка интилишга ёрдам беради.

Ўтган йили Ўлмас Умарбековнинг “Танланган асарлар”, Эркин Вохидов ҳаёти ва ижоди ҳақида “То қуёш сочгайки нур”, Ўткир Ҳошимовнинг “Танланган асарлар”ини, Носир Зоҳиднинг “Йигит йиғламасин дунёда”, Тоҳир Малик қаламига мансуб “Нафс кишанлари” номли асарларни ўқидим. Ушбу асарлар яна бир карра босиб ўтган йўлимга назар ташлашга, ҳаётий хулосаларни элакдан ўтказишга ёрдам берди, дейиш мумкин. Айни пайтда Аҳмад Муҳаммад Турсун қаламига мансуб “Сиз қандай яшамоқчисиз?” номли китобни мутолаа қиляпман.

Бугун мамлакатимизда китоб қадрини ошириш, китобхонлик маданиятини шакллантириш борасида яхши ташаббуслар бошланди. Буни кичик ёшдан катта ёшгача бўлган халқимиз барчаси қўллаб-қувватлади. Энг муҳими, китоб инсонга руҳий ва маънавий озуқа беради ҳамда фақат эзгуликка етаклайди. Буни унутмаслик керак.

— Албатта, ҳаётда ҳеч бир нарсага осон эришиб бўлмайди. Аёл кишининг ҳам оила, ҳам касбий фаолиятни бирдек олиб бориши осон эмас. Аммо сизнинг меҳнат фаолиятингиз билан таниша туриб, “агар инсон чин дилдан хоҳласа бутун коинот унинг истакларига етишига кўмаклашади”, деган қараш нақадар рост эканлигига амин бўлдим. Сизнинг оилавий бахт формулангиз...

— Аёллик — бу масъулият дегани. Бир қўлида оиласи, фарзандлар тарбияси бўлса, иккинчи қўлида касб корининг юксак масъулияти, касбий маҳорати ва шижоати, намунали хулқи, бенуқсон обрў эътибори масаласи... Айниқса, бу вазифа олимлик рутбаси билан ҳамоҳанг бўлса, масъулият янада ортади. Энг муҳими, оиладаги ҳалоллиқда гап кўп. Оилавий муносабатларда ҳар бир аёл ўзаро ишонч, ҳурмат ва ҳалолликни устун қўйса, турмуш ўртоғи ва фарзандлари ҳар қандай вазиятда аёлни (онани) тушуниши аниқ. Менимча, ҳаёт, яшаш ҳақиқати ана шунда бўлса керак.

Шу ўринда яна бир гап. Азалдан тадбиркорлик, ишнинг кўзини билиш азалдан аёлларга хос фазилат саналган. Аксарият ғояларим, таклифларим аввал хаёлимда вужудга келади, сўнгра матнда сайқал топади. Гапнинг рости, оилавий бахт формулам, қатъий тартибда яратилган қонун-қоидам йўқ. Балки, камтарона ҳаёт, тинимсиз меҳнат, масъулият ҳисси, виждон амри ва энг муҳими, ҳалол турмуш тарзи — менинг бахт формулам десам, тўғри бўлар.

Ижтимоий, сиёсий-ҳуқуқий фикрлар тарихида биринчилардан бўлиб аёлнинг фарзанд тарбиясидаги ўрни ҳақида рисола ёзган Абу Али ибн Сино аёл киши оилада эрига муносиб, ҳаётда содиқ ҳамкор бўлмоғи даркор, деган фикрни илгари суради. Аёл аслида оила бахт-саодати таянчи, фарзандлар тарбиясини амалга оширишда синалган кўмакчидир. Шу маънода, ҳар куни эзгу ният қиламан, ёлғиз фарзандим камолоти ҳақида ўйлайман. Ўзим ва турмуш ўртоғим, жигарларим ҳуқуқшунослик касбининг машаққатларини яхши биламиз. Аммо ўғлимнинг ҳам ана шу касбни танлаб, эл-юрт хавфсизлиги, тинчлиги йўлида хизмат қилаётгани мени баъзида хавотирга солса, баъзида эса кўнглимда фахрланиш туйғусини уйғотади.

Неки бўлганда ҳам бир нарса аниқ: фарзандини эл кори, Ватан тараққиёти йўлида камарбаста қилиб тарбиялаган ҳар қайси инсон бахтли, икки ёрти бир бутун бўлиб ҳалол яшаган оила эса чинакам бахт формуласига эга бахтиёр оиладир.

“Milliy tiklanish”мухбири
Нигора НИШОНБОЕВА
суҳбатлашди.

VATAN TUYG'USI HAR NARSADAN USTUN
MILLIY TIKLANISH
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН “МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ” ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Алишер ҚОДИРОВ, Илҳом АБДУЛЛАЕВ, Амриддин БЕРДИМУРОДОВ, Абдуғафур МАМАТОВ, Феруза МУҲАММАДЖОНОВА, Акмал САИДОВ, Ортиқали ҚОЗОҚОВ, Муҳаммаджон ҚУРОНОВ, Исмат ХУДОЁРОВ

Бош муҳаррир: Беҳзод НОРБОЕВ

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент-100000, Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
ТЕЛЕФОНЛАР: (0-371) Қабулхона (факс): 234-69-55, Парламент ва партия ҳаёти бўлими: 234-01-47, Маданият, туризм ва ҳалқаро ҳаёт бўлими: 234-86-41, Маънавият, маърифат ва ахборот бўлими: 234-87-73, Бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари: 234-87-74, Бухгалтерия: 234-87-73.
Ҳажми 4 босма табоқ офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-2
“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: “Буюк Турон” кўчаси, 41-уй

Газета ҳафтанинг чоршанба куни чиқади.
2008 йил 29 октябрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма — Г 526, Адади — 2641. Газетанинг баҳоси келишилган нархда.
Навбатчи муҳаррир: Мухторбек АБДУЛЛАЕВ
Навбатчи: Нигора НИШОНБОЕВА
Саҳифаловчи: Жалолиддин ЎРИНОВ
Электрон почта: e-mail: gazeta@mt.uz, mtiklanish@mail.ru
Босишга топшириш вақти — 21.30.
Топширилди — 02.20. ЎзА якуни — 00.55
ISSN 2010-7714
9 772010 771003 12 456